



Шундай.

Буни Ўзбекистондаги икки нафар дин уламози ўзининг фейсбукдаги саҳифаларида шахсан эълон қилдилар. Бу олимларнинг бири – Ҳамидуллоҳ Беруний, иккинчиси эса Ҳикматуллоҳ Иброҳимдир.

Ҳамидуллоҳ Беруний ҳужрада таълим олганлардан. Маълумки, Туркистон халқлари қадимда ҳужрада ўқиган, ҳужрада ҳарф таниган. Бу ўзига хос бир тизим эди. Совет даврида ҳам ҳужралар яшаб қолди. Бугун Ўзбекистондаги забардаст дин олимларининг барчаси ҳужрада тиллари чиққан, этлари қотган. Ҳикматуллоҳ ҳам худди шундай.

Президент Каримов совет тузумини ҳам доғда қолдирди –



ҲУКМДОРГА ҚАРШИ БОРИШ – ГУНОҲИ АЪЗИМ!

Республикада битта ҳам ҳужрани қолдирмади. Ҳаммасини ёптирди. Ҳужрада ўқийдиганларни террорист деб эълон қилди. Қизиқ, ота-боболаримиз қип-қизил террорист бўлишган экан!

Ҳужрада таълим олган Ҳамидуллоҳ ва Ҳикматуллоҳ – икки уламо бир бўлиб ҳужраларни ёптириб, дин ва диндорларни қатагон қилган ва қилаётган Каримовни дуо қилишга халқни даъват қилмоқдалар.

Бу икки олимнинг мақоласини таҳлил қилиш шарт эмас. Уларга бир-икки саволимиз бор – бунга мақола охирида тўхталамиз. Албатта, бу шерюрак алломалар саволларимизга сайтимиш орқали жавоб беришга журъат этадиларми, йўқми – вақт кўрсатади. Зотан, “адолати ва иймони бутун бўлган” мухтарам президент ҳукумати, МХХ бунинг учун уларга қандай муомала қилишлари маълум: ёки сизларнинг Халқ ҳаракати билан алоқангиз борми дея сиқувга олади, ёки жавоб ёзинглар, кўриб кўйсин – сизлар эркин ва озодсизлар дейди, ёки одатдагидек сукут сақлашга жазм этадилар. Чунки сукут сақлаш – жонни сақлаш демакдир.

2015 йил давомида Ўзбекистон ўзи учун қадрли бўлган кўплаб одамларни йўқотди. Шулар ичида энг машҳури, дунё миқёсида обрўга эга бўлган шахс – шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф эди. Унинг вафоти Ўзбекистонни ларзага солди. Аммо мамлакатнинг расмий

матбуоти, ТВ ҳамда радио сассиз-садосиз бўлди.

Жанозага 200.000 дан зиёд одам келди. Бу ҳақда расмийлар, ҳукумат жим турди. Кейин эса актёрлар Улмас Алихўжаев, Обид Юнусов ҳам ўтиб қолишди. Таниқли суҳандон, Каримов режими учун сидқидилдан хизмат қилган, 1999 йилда 16 февраль воқеаларни биринчи бўлиб “шарҳлаб берган” Раҳматилла Мирзаев боқий дунёга риҳлат этди.

Халқаро миқёсда машҳур олим, тарихчи Гога Ҳидоятловни эса ўз онасининг қабрига дафн қилдилар. Чунки қабристондан унга жой топилмади – яъни улкан олим учун ўзбек ҳукумати қабристондан жой беришни тақиқлади.

Президентнинг янги йил табригини ўқиб эшиттирган таниқли суҳандон, Ўзбекистон Халқ артисти деган унвон олган Абдумўмин Утбосаров 2015 йилнинг 31 декабр куни юрак хуружи билан оламдан ўтди. У ҳамиша ҳукуматнинг расмий тадбирларида бошловчи сифатида хизмат қилган суҳандон эди.

Бу ердаги муҳим нуқта – ўзбек телевидениеси бу йўқотишлар ҳақида сукут сақлаб турганидадир. Каримов ҳукумати ўзи учун хизмат қилганни ҳам, хизмат қилмагани ҳам қадрламайди. Бутун мамлакат учун, керак бўлса, Каримов тузуми учун қуллик қилган одамлар вафотидан сўнг расмий телевидениеда бир оғиз бўлсин, эсланмади. Бу Каримовнинг

“инсонпарварлик” ҳақидаги “принциплари”га қанчалик мос келар экан?!

Хулоса шуки, Каримов халқни ўзи айтганидек, тинч ушлаб туришни хоҳлайди. Одамлар фақат Каримов истаган, унинг тузуми хоҳлаган информация ва ғоялар билан яшашлари шарт. Бу ҳолатни қандайдир инсонларнинг ўлими ҳақидаги хабар билан бузиб кўйиш мумкин эмас.

Бу ерда эътиборга молик яна бир нуқта бор, яъни Каримов ва унинг тузуми қулаш арафасида эканлиги тасдиқланмоқда. Буни шу тузум эгалари тасдиқ этмоқдалар. Чунки улар шахсларнинг ўлими ҳақидаги хабардан ҳам чўчимокдалар. Сабаби – бу хабар халқни бир қалқитиб кўйиши мумкин. Одамлар ҳар доим эшитаётган қўшиқларидан чалғийдилар.

“Ия, нега ўлиб қопти? Нима? Абдумўмин ака бошлиқдан сўкиш эшитган эканми? Раҳматилла акани нега чавақлашибди? Шайх ҳазратлари нима сабабдан қутилмаганда ўтиб қолдилар? Тергов бўлар эканми?! Суриштирув олиб борилар эканми?!” – деган “бемаъни” саволлар одамлар онгида уйғониб қолиши аниқ.

Бу эса Каримов ҳукумати учун ортиқча ғалва. Кейин бу одамларнинг ўлими сабаблари ҳақида халққа ҳисобот беришга кимнинг тоқати бор?!

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Шундоқ ҳам Андижонда қириб юборилган бир ярим минг одам ҳақида халқни алдашнинг ўзи бўлмади!

Мана шунинг учун Каримов ҳукумати Ўзбекистонга машҳур шахсларнинг вафоти ҳақида жим туришни маъқул кўришади. Эртага, вақт-соати етиб Ислом Абдуғаниевич ҳам "тап" этиб ўлиб қолса ҳам Ўзбекистон аҳли билмай қолса керак. Урнига кимдир ёлғондан ишлаб туради, охири-оқибат "мухтарам юртбоши ўтиб қолувдилар, энди, шунақа бўп қолди, узр..." деб биттаси чиқиб айтар. У ҳам бўлмаса, Шавкат Мирзиёевми, Иноятовми, ё бошқасими вазирларни қўлга олиб индамасдан ишини бажариб кетаверар!

Ёшлик нима бўлганда ҳам яхши. Ўзбекистондаги ёшлар кўпинча жума намозига боришади. Аммо бугун расмий ташкилотлар ўз ходимларидан жума намозига бормаслик ҳақида тилхат ёздириб олди. Қайси ташкилот деб сўрашга ҳожат йўқ – Тошкентдаги барча расмий идораларда мана шундай бўлди.

Дин ишлари қўмитаси эса диний китоблар учун тасдиқ "муҳри" – голограмма беришни камайтирган. Таниқли уламоларни ошқора тақибга олган.

Хўш, шундай шароитда юқорида исмлари тилга олинган олимларни мақола ёзишга нима мажбурлади? Улар "виждон амри ила" бу мақолани ёздиларми?

Ёки "акахонлар" буюртма қилишганми? Бир нима дейиш қийин. Чунки бу икки олимнинг илми жуда чуқур. Ўзбекистонда илмий доираларда ҳурматлари юқори. Эътиқодли мусулмонларга билиб-билмай тухмат қилиб қўйиш гуноҳи аъзим.

Мақолаларнинг матнидан кўриниб турибдики, улар ўз фикрларини оят ва ҳадислар, мужтаҳидларнинг ҳикматлари билан қатъий тасдиқлашган. Аммо нишон нотўғри қўйилган. Ҳамма гап шунда.

Нишон – Каримов ва унинг ҳукумати мақташ, унинг даражасини одамлар кўзи учун ошириб кўрсатишдир. Чунки иккала мақоланинг руҳияти бир хил. Мақолаларда ҳукмдор фосиқ бўлса-да, уни ағдариш мумкин эмас дея очик айтилган. Унинг гуноҳга буюрмайдиган амрларини бажариш шартлиги урғуланган. Бунга мақолаларнинг матни билан танишиб чиқиб гувоҳ бўласиз.

Бизнинг дин илми бўйича олимлик даъвоимиз йўқ. Мухтарам алломалар билан баҳсга киришмоқ

фикридан ҳам йироқмиз. Чунки уларнинг илми чуқур эканига шубҳамиз йўқ. Авом халқ ҳамда дин илмида саёз бўлганлар улардан баъзи саволларга жавоб олишга ҳақлидирлар. Ана шу ҳуқуқдан келиб чиқиб мазкур мақолаларнинг икки муаллифига ҳам ушбу саволларни бермоқчимиз:

Биринчи савол.

Сиз ўз мақолангизда, айнан Ҳамидуллоҳ Беруний жаноблари, Каримовни дуо қилиш билан уни тўғри йўлга солишни истагингизни баён қилгансиз. Бир томондан уни Қуръонни махлуқ деган муътазилалар халифасига қиёс қилганингиз бир қадар жасурлик намунасиدير!

Сизлар мақолангизда акс эттирган ҳукмларнинг барчаси Қуръон ва ҳадис асосида сиёсий тизимни шакллантирган мамлакатлар учун хосдир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки сизлар мисол тариқасида айтган Аҳмад ибн Ханбал, Имом Аъзам раҳимаҳумуллоҳларнинг даврларида ана шундай ҳолат ҳукм сурар эди. Давлат тизимида барча амрлар **Қуръон ва ҳадисга суюнилган ҳолда чиқарилар эди. Сўрамоқчи бўлган саволимиз шуки, Қуръон ва ҳадис ҳукмини ўзи учун асос қилиб олмаган ҳамда ислом дини учун ошқора қарши курашаётган ҳукумат, масалан, Ислом Каримов ва унинг ҳукумати сиз мақолангизда акс эттирган ҳукмлар асосида бўйсунуш лозимми?** Ўзбекистон ҳукумати тизимларида ишлайдиган юқори мартабали ҳукмдорларнинг бирортаси дин илмидан хабардор эмас, уларнинг деярли ҳаммаси динга ҳамда дин уламоларига менсимасдан муносабатда бўладилар. Буни Ўзбекистонда ҳамма яхши билади. Исбот талаб қилишга ҳожат йўқ. Уларнинг ўзлари дин қонуларини писанд қилмасалар, уларга қандай қилиб дин қонуни асосида итоат этиш мумкин?

Иккинчи саволимиз эса қуйидагичадир:

Башарти, фосиқ, мунофиқ, ибодатсиз ҳукмдорга итоат этиш вожиб бўлса, унинг қандай йўл билан тахтга келганига диққат қилинадими, йўқми?

Дейлик, ҳукмдор, масалан Ислом Каримов сайловларда қалбаки овозларни ўзи учун ташкиллаштириб ҳукуматни эгаллаб турган бўлса, унга бўйсунуш жоизми? У 90-йилларда ўзини ўзи подшоҳ деб эълон қилган. Уни халқ тасдиқламаган. Бу – факт. Мазкур факт учун исботлармиз

етарли, алҳамдулиллаҳ. Сиз ҳукмдор гуноҳга буюрмаса... дейсиз. Каримов сизни гуноҳга буюрмаётгандир, аммо бошқаларни буюрмоқда-ку. Мамлакатдаги минглаб, миллионлаб инсонлар намоз ўқий олмай, ибодатсиз юришга мажбур бўлишлари ортида Каримовнинг сиёсати тургани сизга маълум-ку. Энди қандай қилиб, сиз бу одамни гуноҳга буюрмаяпти дея оласиз?

Наврўз, мустақиллик, конституция кунларида муфтий ҳамда Тошкент шаҳри бош имоми ҳам Каримовнинг байрамларида иштирок этишга мажбур бўладилар. Шунда нутқ айни шом намозига тўғри келганда бу икки уламо жим ўтирганларига бутун мамлакат гувоҳ бўлган. Улканинг энг нуфузли икки дин уламосини ҳам намозларини қазо қилишга мажбур қилган ҳукмдор ишини қандай баҳолайсиз?

Сиз рибонинг ҳаром эканлигини биздан яхшироқ бўласиз.

Ўзбекистон банкларида фоиз эвазига кредит берилиши маълум. Бу – рибонинг очик тури. Тенг шериклик асосида ишлайдиган Ислом тараққиёти банки эса мамлакатда ўзининг филиалига эга эмас. Рибо учун ошқора буйруқ бериб қўйган юртбошининг бу иши дини исломнинг қайси қондасига сиғади? Шу ҳақда айтиб бера олмайсизми?

Сизлар халқни инқилобдан қайтаргансиз. Мамлакатда давлат тўнтариши қилиш мумкин эмас дегансиз.

Майли, бу сизнинг гапингиз. Аммо тарих милодий 748 йилда ҳадидан ошган Умавийларни Абу Муслим бошчилигидаги исёнчилар тахтдан ағдариб ташлагани ҳақидаги ҳақиқатни унутмайди. Кейин тахтга Аббосийлар келгани ҳам барчага маълум.

Умар розияллоҳу анҳу агар адашсам, нима қиласизлар дея саҳобаларга савол қилганларида сени қилич билан тузатиб қўямиз деганларини ҳам яхши биласиз. Бунга нисбатан Умар розияллоҳу анҳу шодлик ила жавоб берганларини ҳам ўқигансиз.

Яна энг қизиғи, сиз ҳукмдорга насиҳат қилишни истасанг, четга олиб ўтиб насиҳат қил деган ўғитни келтиргансиз. Аммо ўз ҳукмдорингиз – Ислом Каримовнинг шахсан ўзига, уни бир четга олиб ўтиб насиҳат қилиб бўлмаслигини ҳаммадан ҳам яхши фаҳм этасиз.

Шуларни била туриб мазкур мақолани ёзганингиз ажабланарли.

Сизнинг илмингизга бўлган чуқур ҳурматимизни изҳор этган ҳолда саволларимизга жавобингизни кутиб қоламиз.

Абдуллоҳ Нусрат

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Россияда эски нобиометрик паспорт билан юрган Ўзбекистон фуқаролари мамлакатдан чиқиб кета олмаяпти. Россия худудидан чиқиш учун чегара ходимлари улардан янги биометрик паспорт ёки Ўзбекистон элчихонасидан олинган “Ватанга қайтиш учун сертификат” дея аталувчи ҳужжатни талаб этмоқда.

Россиянинг Санкт Петербург шаҳрида яшовчи ўзбекистонлик муҳожирилardan бири ватандан йироқда юриб, эски паспортини янги биометрик паспортга ўзгартиришга улгурмагани сабаб Ўзбекистонга

фото ва 60 доллар билан келиб ариза тўлдирасиз. Ватанга қайтиш сертификати бир ойда тайёр бўлади. Шу ҳужжат билан Ўзбекистонга учиб кетасиз, — деди консулхона мулозими. Айни пайтда янги биометрик паспорти йўқлиги сабаб чегарадан қайтарилган хориждаги юзлаб ўзбек фуқаролари “Ватанга қайтиш учун сертификат”ни олиш учун Ўзбекистон элчихона ва консулхоналарига ёприлган.

Москвадаги Ўзбекистон элчихонаси олдида ватанига қайтиш учун ҳужжат олишга навбатда турган хоразмлик Ҳамдам гапиради: — Эски паспортлар 2018

Москвадаги меҳнат муҳожирилари ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи «Ёрдам» ташкилоти раҳбари Баҳром Ҳамроевга кўра, эски паспортларнинг амал қилиш муддати ҳақида аҳолига аниқ маълумот берилмагани хориждаги минглаб ўзбекистонликларни мушкулотлар қаршисида қолдирган: — Кўпчилик бу ерда 2018 йилга узайтирилди, деб хотиржам юрганди. Энди ундай эмас бўлиб чиқяпти. Ҳозир энди улар катта пул тўлаб справка олишлари керак. Қанчасини учоқ билети куйиб кетди. Гўёки буни ҳукумат атайлаб қилгандай. Қарангда минглаб одам элчихона олдида турибди, справка олиш учун жонини беришга тайёр. Таниш-билишчилик бўлиб кетяпти, пора аралашяпти, — дейди Баҳром Ҳамроев.

Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг ўзини таништирмаган мулозимининг Озодликка айтишича, эски фуқаролик паспортининг биометрик паспортга алмаштириш муддати 2,5 йилга узайтирилгани эски паспортларнинг чет давлатларда амалда бўлишини англамайди:

— Тўғри, Ўзбекистон паспортларини биометрик паспортларга алмаштириш муддати 2018 йилнинг 1 июлига қадар узайтирилди. Лекин, эски паспортлар чет давлатларда кучини йўқотди. Фақат биометрик паспорт билан чегара кесиб ўтилади. Эски паспортини алмаштиришга улгурмаганлар келгуси икки ярим йил ичида жаримага тортилмайди. Бемалол келиб алмаштиришлари мумкин, — деди Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг расмийси.

2013 йилнинг март ойидан биометрик паспорт ҳаммага берила бошланди. Тошкентдаги Инсон ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромовнинг айтишича, Ўзбекистонда ҳам ҳозир маҳалладан тортиб ишхонагача одамлардан янги паспорт талаб қилинмоқда:

— Эски паспорт билан Ўзбекистонда юравериш мумкин. Лекин, у билан четга чиқолмасангиз ёки ишга жойлашолмасангиз, демак уни куни Ўзбекистон ичида ҳам битган кўринади, — дейди тошкентлик ҳуқуқ фаоли Суръат Икромов.

Манба: «Озодлик» радиоси

Чет элдаги эски паспорт билан юрган Ўзбекистон фуқаролари ватанга қайта олмаяпти

кетолмаётганини айтади:

— Ўзбекистонга кетиш учун самолётга билет олган эдик, эски паспорт билан кетолмайсизлар, деяпти аэропортдагилар. Паспортни муддати узайтирилгандику, — дейди исми сир қолишини истаган ўзбек муҳожири.

Санкт Петербургнинг Пулково аэропорти паспорт назоратчилари ҳам, Москванинг Шереметьево аэропорти ходимлари ҳам нобиометрик паспорт билан юрган Ўзбекистон фуқаролари чегарадан ўтказилмаслигини тасдиқлашди.

— Эски паспорт билан ўтказилмайди. Чегарадан ўтиш учун элчихонага бориб янги паспорт ёки “ватанга қайтиш учун сертификат”ни олиш керак, — деди Шереметьево аэропорти паспорт назорати ходимаси Озодлик билан суҳбатда.

Эски ўзбек паспортларининг амалда яроқсиз ҳужжатга айлангани хорижда юрган кўпчилик ўзбекистонликлар учун қутилмаган ҳол бўлди. Аввалроқ Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги расмийлари эски фуқаролик паспортини биометрик паспортга алмаштириш 2018 йилнинг 1 июлига қадар давом этишини билдиришганди.

Лекин, амалда эски ўзбек паспортлари хорижда аллақачон ўз кучини йўқотиб бўлган.

Ўзбекистоннинг Истанбул шаҳридаги консулхонаси ходими Озодлик билан суҳбатда эски паспортлар чет давлатларда яроқсиз ҳужжатга айланганини тасдиқлади:

— Бу паспортларни куни битди. Ўзбекистонга эски паспорт билан кетиш учун консулхонага учта

йилни ўрталаригача узайтирилди, деб айтишганди. Ҳозир билсак бу паспорт Россияда юрганлар учун яроқсиз бўлиб қолибди. Буни билганимизда олдинроқ кетишга тараддуд кўрар эдик. Ҳозир энди янги паспорт олиш учун Ўзбекистонга кетолмаяпмиз. Эскиси билан чиқаришмаяпти. Янги паспортни элчихона бермайди, Ўзбекистонга бориб олиш керак. Шунинг учун “сертификат возвращение на родину” олишга келдик. Бир ой дейишяпти, лекин одамлар кўплиги сабаб чўзилса керак, — дейди Ҳамдам.

Айни пайтда Россияда эски паспорт билан юрган ўзбекистонликлар учун «кирди-чикди» муҳрини урдириш ҳам катта муаммо бўлаётганини айтишади.

Россияга ишлагани келган ўзбек меҳнат муҳожирилари мамлакатда кўпроқ муддат қолиш учун паспортига чегарани кесиб ўтганини тасдиқловчи муҳрини ҳар йилда янгилаб туришлари керак.

Бунинг учун улар ҳар йили Россия чегарасидан чиқиб, қайта киришади ва буни паспортларига қайд қилдириб келишади.

— Эски паспорт билан буни қилиб бўлмаяпти. Чунки чегарадан ўтказмайди. Кирди-чикди учун Погари (Россия ва Украина орасидаги Погари чегара-транзит зонаси -таҳр.)га борганлар эски паспорти бўлса ўтказмаяпти. Шунинг учун ҳозир ҳамма Ўзбекистонга бориб паспортини алмаштириб келиш ҳаракатига тушган. Элчихонани олди одамга тўлиб кетган, — дейди Россияда яшовчи қашқадарёлик Эшқувват.

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Энди эса мужоҳидларнинг "ИШИД"га қарши бошлаган жанговар ҳаракатларининг сабабларини айтиб бераман.

Бу урушни "ИШИД"нинг ўзи қўзғади. Аниқроғи, "ИШИД" уни бошлади, аммо уруш аввалида бир томонлама эди ва кенг қамров эмас эди.

Аввал улар шаръий талабларнинг биронтасига амал қилмаган ҳолда Шомда "давлат" эълон қилишди.

Эслатиб ўтаман, Шариат бўйича бирон бир ҳудудда давлат/иморат эълон қилиш учун мазкур ҳудуднинг барча ёки нуфузли кишилари шўрога чақирилиши лозим. Булар асосан амирлар ва олимлардир. Кейин эса бу кенгаш амирни сайлайди ва бу давлатни эълон қилади. Бу — лозим бўлган шаръий талабларнинг биттаси ва у бажарилмаса давлат қонуний саналмайди. Худди намоз сингари-ки, унинг талаблари риоя қилинмас экан ҳақиқий саналмайди.

Шунга мувофиқ "ИШИД" шариат бўйича аввал бошиданок ноқонуний ташкилот ҳисобланади.

Кейин улар ўзларининг амири Айман Аз-Завоҳирийга бўйин товлаб, "Ал-Қоида"нинг итоатидан чиқдилар ва қолган барча мужоҳидларни ўзларига эргашишликка чақирдилар ва шу вақтда фитна борган сари кучая бошлади. Улар ўз жангчиларига "уларнинг "давлатидан" ташқари, Шомдаги барча жамоатлар ҳақиқий эмас ва бу жамоатларнинг барча моллари "давлага" тегишли деб эълон қилдилар. Улар "Жабҳат ан-Нусра"га тегишли бўлган мақорларга ҳужум қилиб, уларни талон-тарож қилишни бошладилар. "Жабҳат ан-Нусра"нинг раҳбарияти Айман Аз-Завоҳирийдан бўладиган буйруқни кутганлиги сабаб бу зулмга бирданга жавоб қилмади. Шунингдек "ИШИД" томонидан қилинадиган талончиликка мужоҳидларнинг бошқа кўпгина жамоатлари ҳам дучор бўлишди. Лекин қанчалик ажиб кўринмасин, бу зулмларга етарли жавоб берилмади. Шундан сўнг "Давла" ҳар хил жиҳодий гуруҳ амирларини ўғирлаб кетиб, ҳеч бир айбисиз қатл қила бошлади. Қачон жабрланган жамоатлар шаръий қазоватни талаб қилганларида "Давла" ҳар доим мағрурлик билан рад жавобини бериб келди.

Шунингдек, "Жабҳат ан-Нусра"нинг жанг ва рибот майдонларига кетаётган карвонлари ва тинч аҳолига ёрдам бериш учун озик-овқат маҳсулотлари олиб кетаётган карвонлари "Давла"нинг ҳужум ва талончиликларига кўп мартаба дучор бўлди.

Шу ҳам камлик қилгандай, "Давла" бир неча мартаба

бошқа гуруҳ мужоҳидларининг амирлари билан муайян жойларда учрашди ва келишишди ва бу учрашувларда гуёки "фидоий" амалиётлар қилиб, амирларни ва оддий мужоҳидларнинг кўпчилигини қатл қилди. Мана шундай қилиб "Давла" — мужоҳидларга қарши қўштирноқ ичидаги фидоийлик амалиётлари қиладиган Шомдаги ягона ташкилот.

Аммо Шомнинг

мужоҳидларига ва оддий мусулмонларига қарши "Давла"нинг қилган бу ва бошқа кўп сонли оғир жиноятларига қарамасдан, жиноятлар жавобсиз қолаверди ва мужоҳидлар "Давла" жангчиларини ўзларининг биродарлари деб ҳисоблаб, уларнинг қонини тукишни хохламаганлигидан сабр қилиб келдилар.

Аммо "Давла" янада сурбетлик ва ўз ишидан мамнунлик билан Шомдаги мужоҳидларнинг ишларига халақит бериш ва бузишни давом эттирди.

Ниҳоят, мужоҳидлар ва "ИШИД" ўртасидаги жанговар ҳаракатлар "Жабҳат ан-Нусра" ва бошқа гуруҳлар мужоҳидлари назорати остида бўлган Атариб шаҳри ва "46-ҳарбий қисм" ҳудудидан бошланди.

Воқеалар авж олишидан бир неча кун аввал "Давла"нинг киллерлари бошқа гуруҳлардан бирининг амирини ўғирлаб кетди, кейинчалик унинг қатл қилинган жасади ўша минтақадаги йўл четидан топилди. Кейин улар яна бир мусулмонни ўғирлаб кетиб, у ҳақда ҳеч нарса билмасликларини маълум қилган вақтда уни "Давла" ўғирлаб кетганини кўрган ва буни тасдиқловчи гувоҳлар топилди. Шундай қилиб, "Давла"нинг айбини исботловчи рад қилиб бўлмайдиган далиллар пайдо бўлди. Шундан кейин тинч мусулмонлар ҳам ғазабга келди.

Кейин эса "Давла" "Жабҳат ан-Нусра" ва бошқа гуруҳлар мужоҳидлари назоратидаги "46-ҳарбий қисм"даги (мақор) га ҳужум қилди. "Давла" бир нечта тарафдан ҳужум қилди ва "46-ҳарбий қисм"ни қуршовга олди, шунингдек Атариб шаҳрини ҳам қуршовга олишга уриниб кўрди. Уларнинг мужоҳидларга қўйган шартлари жавобсиз қолгач, улар яна бир бор ҳужум қилишга уриниб кўришди. Сўнгра барча



"Ислом давлати" ҳақидаги ҳақиқатлар-2

гуруҳларнинг "46-қисм"ни ташлаб чиқиши ва мақорни назоратсиз қолдириши тўғрисидаги келишувга эришилди ва ҳар доимгидек келишувни "Давла"дан ташқари ҳамма бажарди. Аҳдга қармай, "Давла" фурсатдан фойдаланиб "46-қисм"га ҳужумни "Жабҳат ан-Нусра"нинг 7 нафар мужоҳидини қатл қилиш билан бошлади, бошқа гуруҳларнинг жангчиларини қатл қилганлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шунда бутун минтақа кўзғалди. "Давла" Атариб шаҳрини оғир қуроллардан ўққа тутди, "Нуриддин Зинкий" гуруҳининг назоратида бўлган Қубтан ал-Жабал қишлоғига ҳужум бошлади ва шунда "Давла"нинг гуруҳи билан "Жайш ал-Мужоҳидин" жамоатининг гуруҳларидан ҳисобланган "Нуриддин Зинкий" гуруҳи ўртасида жанг бошланди. Чундан кейин кўпчилик сабабларга кўра "Аҳрор аш-Шом"дан бўлган биродарлар "Давла" гуруҳига қарши жангга чиқишди. Кимлардир куни кеча "Давла" томонидан разилона ўлдирилган амир Абу Райённинг қасосини олиш учун, кимлардир тортиб олинган Маскана шаҳрини қайтариб олиш учун, кимлардир эса "46-қисм"даги мужоҳидларга ёрдам беришлик учун жангга отланди. Хуллас, давом этган анча зулм ва тажовузлардан сўнггина, кўп жиҳодий гуруҳлар "Давла"дан ўзларининг поймол қилинган ҳақларини қайтариш учун жангга чиқди.

"Жабҳа Исломия"нинг гуруҳларидан бири бўлган "Лива ат-Тавҳид" "Давла"даги ўз одамларини асирликдан қутқариш учун жангга отланди ва улар ҳам бунга жавобан "Давла"нинг бир гуруҳ жангчиларини асирга олдилар. "Давла" эса "Лива ат-Тавҳид"да ўзларига мансуб асирлар борлигини

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

била туриб, ўзларидаги "Лива ат-Тавҳид"га мансуб асирларни ўз асирларига алмаштириш ўрнига уларни қатл қилди.

Шундай қилиб, ҳодисалар ривожини Атариб ва "46-қисм"дан бошланиб, бошқа минтақаларга – Ҳама, Идлиб, Ҳалаб ва Раққагача ёйилди. Шу орада "Давла" интернетда ўз жинойатларини бошқа мужоҳидларга тўнқаб, "асадчиларга қарши риботда турган вақтимизда бизга "муртадлар" ҳужум қилди" деган ёлғон хабар тарқатди. Бу сурбетларча қилинган очиқ ёлғон. Бу ўтган воқеалардан ҳам маълумки, "Давла"нинг Атарибга ва "46-қисм"га қилган ҳужуми айрим мужоҳидларнинг "Давла"га нисбатан бўлган сабр қосасидаги охириги томчи бўлди.

Аммо "Жабҳат ан-Нусра" аввалгидек "Давла"га ҳужум қилиш уёқда турсин, ҳатто унинг ҳужумларига жавоб ҳам қилмади. Бунинг ўрнига "Давла" билан бошқа гуруҳлар ўртасида воситачилик қилиб келди. "Давла"нинг кўплаб гуруҳлари мужоҳидлар томонидан ҳар томонлама қуршовга олинган вақтда айнан "Жабҳат ан-Нусра"нинг ҳимояси, омонлиги ва кафолати остидагина қуршовдан чиқиб кетди. Шунингдек "Жабҳат ан-Нусра" томонларни бетараф бўлган шаръий маҳкамага бир неча бор чақирган вақтда ҳар доим "Давла"дан ташқари ҳамма гуруҳлар рози бўлишди. Фақат "Давла"гина биз "давлатмиз" ва бизни ҳеч ким маҳкама қила олмайди деб жавоб бериб келди, ёки бўлмаса Аллоҳнинг Шариатида зид бўлган бошқа бемаъни талабларни олдинга қўйиб маҳкамани инкор қилиб келди.

Кейин Суриянинг ғарбий қисмидаги "Давла"нинг кўпчилик гуруҳлари, уларга қарши жанг қилишни хоҳламаган мужоҳидлардан олдиндан тортиб олинган Раққа ва Суриянинг шарқий қисмларига марказлаша бошлади. Кейин у ердан туриб "Давла" бошқа мужоҳидларга қарши кенг кўламли ҳужумларни бошлади. Ана шунда улар "Жабҳат ан-Нусра"ни очикчасига такфир қилдилар. Улар "Жабҳат ан-Нусра"нинг беш мужоҳидини асир қилиб, уларнинг бошини кесди. Шу вақтнинг ўзида улар "Жабҳат ан-Нусра"нинг ва бошқа гуруҳларнинг назорати остида бўлган Дайр аз-Зурга ҳужум қилди. Бу вақтда Дайр аз-Зур даги "Жабҳат ан-Нусра"нинг кўпчилик мужоҳидлари асадчилар томонидан кўпдан буюн қамалда ушлаб турилган ва қуршовда бўлган Хумсга ёрдамга кетган эдилар. Интернетдан эса ёлғончи Абу Жиход Қорачойий гўеки уларга "Жабҳат

ан-Нусра" ҳужум қилганлигини эълон қилди. "Давла" ўзининг барча жинойатларини бизларнинг номимизга ёзиб келаяпти. Аллоҳ эса барча ишнинг Гувоҳидир.

"Жабҳат ан-Нусра"га қарши қилинган бу тажовузлар давомида ва ҳозирги кунда ҳам "Давла" ўзининг худкушлари ёрдамида "Жабҳат ан-Нусра"нинг ўнлаб амирларини қатл қилди.

"Давла" Шомдаги бутун жиҳоди давомида бирон марта ҳам асадчилардан бирон бир шаҳарни тортиб олмаган. Суриядаги улар назоратидаги барча шаҳарлар мужоҳидлардан тортиб олинган. Бу ҳудудлар улар томонидан, кўпчилик содда мужоҳидларнинг "Давла"га қарши жанг қилиш хоҳиши йўқлиги сабаб эгаллаб олинган.

Ундан кейин. Умар "Шишаний" ва "Давла"даги бошқа одамлар сизларга алоқага чиқиб, Кавказда давом этаётган фаолиятни қўллаб-қувватламоқчи бўдилар. Бу эса ўз таъсирини кенгайтириб, Кавказда ҳам ўз тармоқларига эга бўлишдан бошқа нарса эмас эди.

Бизга яъни, "Давла"дан ташқари ҳар ҳил жамоатлардаги кавказ мужоҳидларига келадиган бўлсак, биз Кавказдаги янгиликларни кузатиб бораётганимизга, Кавказдаги ишлар учун қанчалик қайғуришимизга ва биз сизларга қанчалик ёрдам бермоқчилигимизга Аллоҳ гувоҳ. Шунингдек ҳақларингизга дуодамиз.

Энди эса қисқача "Давла"нинг "Халифалиги" тўғрисида.

На уларнинг "халифалиги" на уларнинг "халифаси" Аллоҳнинг хузурида ҳақиқий ҳисобланмайди. Халифаликнинг ва халифанинг ўз шаръий шартлари мавжуд. Уларнинг айримларини санаб утаман.

Халифалик эълон қилишнинг шартлари:

— мусулмонларни ташқи тажовуздан ҳимоя қилувчи кучнинг мавжуд бўлиши!

— халифалик бу Умнат мусулмонлари тан олган нуфузли кишилар (аҳлул-ақд вал-ҳалл) томонидан эълон қилинади!

Бу ерда мен томонимдан келтирилган шаръий шартларнинг на биринчисига ва на иккинчисига "Давланинг" "халифалиги" амал қилмаган. Худди шунингдек дунёдаги мужоҳидларнинг бирон бир жамоати ҳам бугунги кунда бу шартларга амал қилишга қодир эмас. Бизнинг бугундаги воқелигимиз мана шунақа. Лекин биз Халифаликни пайғамбар услуби бўйича қайта тиклашимиз мумкин бўлган кунни яқинлаштириш учун ишлашимиз керак ва биз буни қилаёғимиз.

Халифанинг шартлари:

— Илм. Халифа қилиб тайинланадиган киши олим бўлиши

керак?

— Халифа қилиб тайинланадиган киши умнат орасида таниқли бўлиши керак?

— Халифа қилиб тайинланадиган киши умнат ичидаги нуфузли одам бўлиши керак?

— Халифа қилиб тайинланадиган киши қурайший бўлиши керак?

— Халифа қилиб тайинланадиган киши тақводор ва мултазим одам бўлиши керак?

— Халифа қилиб тайинланадиган киши бу Умнатнинг нуфузли кишилари (аҳлул-ақд вал-ҳалл) томонидан танланган бўлиши керак?

Абу Бакр Бағдодий олим ҳисобланмайди. Уни шаръий илмлар доктори дея "Давла" барчани алдамокда. Бизга маълумки, у Ироқдаги суфий-ашъарий ақидасидаги университетда ўқиган ва уни битира олмаган. У Қуръон тажвиди бўйича илмий иш (диссертация) топширган, аммо уни оқлай олмаган.

Шунингдек у "халифа" деб эълон қилинишига қадар Умнатга таниш бўлмаган. Унинг таржимаи ҳоли хозиргача кўпчилик мусулмонларга номаълум бўлиб қолаяпти.

Абу Бакр Бағдодий Умнатни бошқариш кучига эга эмас ва ҳаттоки Шом ёки Ироқ аҳолисига бирон нарса билан ҳам ёрдам бера олмайди, Умнат ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади.

Абу Бакр Бағдодий қурайшлик ҳисобланмайди. Унинг асл келиб чиқиши Расулulloҳ ﷺ нинг авлодидан ҳисобланмайдиган ва қурайший бўлмаган Бадрий қавмидан. У ҳаттоинки Бағдодий ҳам эмас, негаки у Бағдоддан эмас. У Ироқдаги Самарра ёки Самура шахридан. "Давла"дагилар томонидан тақдим қилинган Абу Бакр Бағдодийнинг "насл насаби" эса — очиқ-ойдин тўқилган сохта нарсадир. Унинг сохталигини кўриш учун дақиқ назар билан қараш шарт эмас.

Бу каззобнинг тақводорлиги ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Табийки, у "ИШИД" жамоатидан ташқари ҳеч ким томонидан танланмаган.

Яна бу мавзунинг охирида эслатаман, жиҳодий олимларнинг барчаси бир овоздан "Давла"нинг "халифалиги" ва уларнинг Шомдаги давлати ҳақиқий эмаслиги тўғрисида иттифоқ қилганлар. Уларни айбашликдаги ва аслини ошкор қилишликдаги олимларнинг фикри бирдир. Жиҳодий олимларнинг кўпчилиги уларнинг хаворижлиги аввалги хаворижларникидан ҳам баттароқ деб ҳисоблайди. Хаворижларда мавжуд бўлган икки

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

шарт ҳам уларда тўлиқ равишда бор, булар:

1) Мусулмонларни такфир қилиши?

2) Мусулмонларга қарши жанг қилиши.

Сўнгра. “Давла”нинг “Жабҳа Исломия”ни такфир қилиши ва кейинчалик эса “Жабҳат ан-Нусра” ҳам такфир қилиши ҳақида:

“Давла” аввалида “Жабҳа Исломия”га нисбатан махфий такфир чиқарар эди. Улар ўртасида уруш бошланганидан кейин “Давла” уларни очиқча ва расмий такфир қилди. “Давла” ўзининг қилган такфирига хаворижлар ақидасига хос бўлган – ёпишмайдиган ва асоссиз “далиллар” келтиради.

Биринчи “далил”: уларнинг айримлари узун мўйлов қўйиб, соқолини қирадилар, Суннат бўйича кийинмайдилар, чекадилар. — Буларнинг ҳеч қайси куфр амали ҳисобланмайди.

Иккинчи “далил”: “Жабҳа Исломия”нинг айрим амирлари демократлар билан бир жойда ўтирганлиги акс этган суратлар мавжуд. — Кофирлар билан учрашиш ва улар билан музокаралар олиб бориш ёки бир кофир билан бошқа кофирларга қарши иттифоққа кириш куфр ҳисобланмайди.

“Давланинг” учинчи “далили” : “Жабҳа Исломия”нинг айрим гуруҳларида шаҳодат калимаси ёзилган қора байроқлардан ташқари ўз байроқлари бор. — Бу куфр эмас. Ҳар бир мусулмон гуруҳлари ўзларини бошқа гуруҳлардан ажратиб турадиган хос байроқлар қилишига рухсат бор. Саҳиҳ Суннатдан маълумки, Расулulloҳ — саҳобаларининг ҳар хил қабилалари ўз байроқ ва белгиларига эга бўлишган. Мусулмонлар томонидан уйлаб топилган ва куфр ёки ҳаром рамзлар иштирок этмаган байроқлар жоиздир.

Тўртинчи “далил”: “Жабҳа Исломия” “Давла”нинг тажовузига жавобан қарши жангни бошлади. — Бу “Давланинг” ақидаси бўйича “куфрдир”. Яъни улар ўзларига қарши жанг қилувчи ҳар кимга нисбатан такфир чиқаришади. Бироқ “Давла”нинг бу қароқчиларига қарши жанг қилиш нафақат куфр эмас, балки улар ўзларини “ИШИД” деб эълон қилишларидан бошлаб вожиб ҳам бўлган, аммо барча уларга юмшоқ ва яхши муносабатда бўлиб, уларнинг зулму-тажовузларига узоқ сабр қилдилар. Ҳаттоки агар “ИШИД”ни шаръий томондан қонуний давлат деб фараз қиладиган бўлсак ҳам, унда исломий давлатга қарши ёки ҳатто ҳақиқий Халифага қарши жанг қилиш куфр ҳисобланмайди. Шарти шуки, бу жанг кофирларга

қўшилиб ва уларнинг манфаатини кўзлаб қилинмаган бўлиши керак.

“Давла”нинг “Жабҳат ан-Нусра”га нисбатан чиқарган такфир ҳақида гапирадиган бўлсак, энди бу оддий ва қисқача. “Жабҳат ан-Нусра” “Жабҳа Исломия”ни такфир қилмаганлиги учунгина улар “Жабҳат ан-Нусра”ни такфир қилишди. Уйлашимча, ҳаммаси тушунарли.

“Давла”нинг расмий нотиғи Абу Муҳаммад Адноний “Давла”нинг номидан берган расмий баёнотини ўқиган ёки эшитган одам учун бу нарса ҳеч ажабланарли эмас. У ушбу баёнотда Ал-Қоида тоғутларни такфир қилмайди деб Ал-Қоидани такфир қилди. Бу эса шак-шубҳасиз Ал-Қоида учун тўхматдан бошқа нарса эмас. Сўзимнинг охирини айрим демократик ва дунёвий гуруҳларнинг, шунингдек айрим жамоатларнинг Шом жиҳодидаги ҳолатини қисқача эслатиш билан якунлайман.

“Жабҳат ан-Нусра” Жамол Маъруф бошчилигидаги катта босқинчи тўдани бир кун ичида йўқ қилди ва натижада Жамол Маъруф Суриядан Туркияга қочишга мажбур бўлди. Шунингдек “Жабҳат ан-Нусра” “Ҳаракат Ҳазм” номи энг катта босқинчилар тўдасини бир кун ичида йўқ қилди (айтишларича, “Ҳаракат Ҳазм” америка ҳомийлигидаги демократик гуруҳ бўлган, бироқ бунинг саҳиҳлиги менга маълум эмас). Бу ғалабалар учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Агар демократик ва дунёвий гуруҳлар Аллоҳнинг динига бўйсунмасалар уларнинг ҳар бирини босқичма-босқич йўқ қилиш учун “Жабҳат ан-Нусра”да уларнинг рўйхати мавжуд. Аммо ҳозирча бу гуруҳларга қарши кенг куламли уруш олиб борилмапти, чунки бугунги кунда мужоҳидларнинг улар билан умумий муштарак душмани мавжуд, яъни — бутун дунё шиалари иттифоқи. Чунингдек мужоҳидлар бугунги кунда бир вақтнинг ўзида ҳамма билан жанг қиладиган кучга эга эмас. Ҳарб Иттифоқининг “Жабҳат ан-Нусра”нинг мақорлари бўйлаб берган ракета ва авиа зарбалари натижасида бу жамоат кўп амирларини йўқотди.

“Ахрорус-Шом” “Жабҳат ан-Нусра” билан ҳамкорликда дунёвий демократик гуруҳларга қарши жанг қилаяпти.

“Жайш Ал-Муҳожирин вал-Ансор” “Жабҳат Ансоруддин”нинг таркибига киради.

Яна шунингдек Муслим Шишанийнинг жамоати бор.

Худди шундай Абдул-Ҳаким Шишанийнинг жамоати бор.

Шомдаги бу ва бошқа барча жамоатлар фақат Аллоҳ йўлида ва фақатгина Аллоҳнинг Сўзини олий қилиш учун жанг

қилаяптилар. Кофирларга қарши бўладиган кўпчилик амалиётлар улар томонидан ҳамкорликда қилинади. Уларнинг барчаси бири-бири билан Аллоҳ йўлидалиги учун дўстлашганлар ва эртамикечми, вақт-соати келганда бу жамоатларнинг барчаси бирлашиши лозим, буни ҳамма тушинади ва бу йўналишда биргаликда ишлар қилинапти.

Барча жамоатларда, хусусан рус тилида сўзлашувчи жамоатларда, асосий муаммо шундаки, мусулмонлар бу ердаги ҳолатдан хабардор бўлишлари учун интернетда лозим бўлган ахборот тарқатиш ишлари етарли йўлга қўйилмаган. Кўпчилик жамоатларда низомий тартиб йўқ.

Бошқарув лавозимларида кўпчилик қобилиятсиз одамлар.

Бугунги кунда Шомдаги мужоҳидларга қарши жанг қилаётганлар:

— Шиалар иттифоқи: улар асадчилар (Сурия армияси), Ироқ ва Эроннинг махсус гуруҳлари, Яманлик шиалар-хусийлар гуруҳи, Афғонистонлик шиалар гуруҳи, Ливаннинг “Ҳизбуллоҳ” шиалар тоифаси ва ҳоказолардан ташкил топган?

— АҚЧ бошчилигидаги ғарбнинг ракетали-авиацион иттифоқи!

— «ИД»!

— Шунингдек Россия Асад режимида курул ва ўз офицерлари билан ёрдам бераяпти.

Шу билан мен ўз мактубимни якунлайман. Мен ҳали узоқ ёзишим мумкин эди, аммо сени Шомдаги ҳолатдан воқиф қилиш учун етарли даражада тушунтирдим деб умид қиламан. Мен сенга Аллоҳдан буюрилганидек тақво қилишни васият қиламан. Қарор чиқаришда Аллоҳдан тақво қил! Ҳақиқатдан сенинг елканда катта масъулият турибди. Ҳақиқий олимларнинг сўзларига қулоқ сол, ахир ҳақиқатда, улар Расулulloҳ ﷺнинг меросхўрларидир.

اَلْمُرْتَدُّونَ لَنْ يَكُوْنُوْا اَوْلِيَا
نَوْمًا عَنَّا

“Агар билмасангизлар зикр ахлдан (олимлардан) сўрангизлар!”

(Наҳл сураси, 43-оят).

Аллоҳ сенга ва Кавказ мужоҳидларининг барчасига ҳақни ҳақ қилиб, ботилни ботил қилиб қўрсатсин. Аллоҳдан бизларни Ўзининг йўлида собитқадам қилишини сўрайман. Аллоҳ бизларни барча залолатдан узоқлаштирсин. Аллоҳдан бизга ғалабалар беришини сўрайман.

Охирида оламлар Роббиси бўлган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ.

Ҳолид Шишаний



Каримов ўзбек халқига «Табриги»ни ўликка ўқитди

«Озодлик» радиоси хабар беришича, Ўзбекистон давлат телеканаллари 31 декабрь куни ярим тунда президент Ислам Каримовнинг Абдумўмин Ўтбосаров ўқиган янги йил табригини намойиш этган. Ҳамкасбларининг айтишича, табрик эфирга берилган пайтда Ўтбосаров ўлик бўлган.

Озодлик манбаларига кўра, президент табриги 30 декабрь куни ёзиб олинган бўлган. 31 декабрь

куни эса табрикнинг ўзгартирилган вариантини ўқиш зарурати пайдо бўлган. Шу куни Абдумўмин Ўтбосаров уйдан зудликда телевидениега чақиртирилган. Ўзгартирилган матнни ёзиш жараёнида Абдумўмин Ўтбосаровнинг тоби қочган. Юрак хуружи ортидан таникли суҳандон шифохонага олиб кетилган.

Сўнг матнни Алишер Бадалов исмли бошқа бир дикторга ҳам ўқитиб кўришган. Лекин, телевидение раҳбарияти Ўтбосаров ўқиган табрикни эфирга беришга қарор қилган.

Ҳамкасблари эса Абдумўмин Ўтбосаровнинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақида 31 декабрь куни, яъни у ўқиган президент табриги эфирга берилмасидан олдин хабар топишган.

Интернетдаги айрим нашрларда

Ўтбосаров ишдан рухсатсиз кетиб қолгани учун 31 декабрь куни телевидение раҳбариятидан гап эшитгани ҳақида ҳам хабарлар бор.

Ўзбекистон Давлат телевидениеси раҳбарияти бу хабарлар юзасидан изоҳ бермади.

Узоқ йил ишлаган суҳандон Абдумўмин Ўтбосаров вафот этгани ҳақида давлат телевидениеси ва матбуотида хабар ҳам берилмади.

Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси учун бу сўнгги бир йил ичидаги иккинчи катта йўқотиш бўлди. 2015 йилнинг 2 март куни яна бир машҳур суҳандон Раҳматилла Мирзаев ўз уйи олдида ўлдириб кетилган эди.

Кейинчалик суҳандоннинг ўлдирилишига унинг ўғли Умид Мирзаевнинг алоқадорлиги аниқланди. Август ойида бўлиб ўтган судда суҳандонни ўлдиришда айбдор, деб топилган Умид Мирзаев 18 йил, унинг шериги Қудрат Шоазизов 14 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Арамайс Авакян ва унинг дўстлари устидан суд бугун соат 11 да, кутилмаганда бошланди.

Судланувчиларнинг яқинлари суд бошланиши ҳақида тасодифан билишган.

Канадада яшовчи журналист Улуғбек Ашуровнинг олган маълумотларига кўра, маҳкумларнинг яқинларини дастлаб суд залига киргазишмаган. Улар акс ҳолда



ўртоғига “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш” (Ўзб.ЖК 159 модда) ва “Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш” (Ўзб.ЖК 2442 модда) каби моддалар бўйича айблов эълон қилинган.

“Айбга иқроп бўлгандан кўра, яхшиси ўлгин!”

судни қамал қилишларини билдиришганидан сўнггина уларни залга кўйишган.

“Эрим анча гавдалик эди. Шу даражада абгор ҳолга солинганки, уни кўрганимда таниёлмай қолдим, ҳатто унинг олдида кичкина бўлиб кўринадиган йигитлар ҳам эндиликда ундан жуссалироқ кўринишмоқди”, — дейди Ширин Турсунова, судланувчи Арамайснинг турмуш ўртоғи.

Судмаҳкумларнитаништириш

билан яқунланган. Ширин Турсунова, маҳкумларнинг айби йўқлигини, суд ҳакамлари ва терговчилар уларнинг кўзига қарай олишмаганини айтади.

“Уларнинг кўлида ўзлари турмадан уюштирган СМСдан, менга тегишли “Намозни ўрганамиз” деган китобчадан бошқа далил йўқ”, дейди Ширин.

Эслатиб ўтамиз, Eltuz илгари хабар берганидек, Арамаис Авакян ва унинг 4 нафар

Воқеаларни кузатаётган, Канадада яшовчи курналист Улуғбек Ашуров, ўз манбаларидан иқтибос келтириб, бугун маҳкумларни суд залидан олиб чиқишаётганида, Арамайснинг онаси Флора Сакунс ўғлининг ортидан арман тилида “Айбга иқроп бўлгандан кўра, яхшиси ўлгин!”, дея қичқирганини айтади.

Суд мажлиси душанба кунига қолдирилган.

Манба: Eltuz.com

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Тафаккур бирлиги

Москва уйлари, кўчаларида чироклар ёнди. Шунга ой, юлдузлар кўринмаса ҳам ойдин. Шукрулло Мирсаидов намойишдан ҳориб қайтди. Душга тушмасдан олдин менга қўярда – қўймас уч юз сўмча пул берди. Кекса ёзувчиларни меҳмон қиларсиз.

Раҳмат!

Учов (Шукрулло Мирсаид, Муҳаммад Солих, мен) буфетда тамадди қилдик. Шукрулло ака ўз одадига кўра кетма – кет чекмоқда.

Бироз камайтиришнинг иложи йўқми, Шукрулло Раҳматович, бундайда... Ирода керак... – У Муҳаммад Солихнинг оғзидан гапини олди, — ўрганган кўнгил... Аммо мен сизнинг чекишингизга қаршиман. Сизга ҳам, Мамадали.

Секин – секин суҳбатимиз кизиб борди. Шукрулло ака чарчоғини ҳам унутди. Бунга, қисман, “ Распутин “ ароғи ҳам сабабчи бўлди. У замон бузилаётгани, мамлакатни сиёсий, иқтисодий бўҳрон қуршаётгани, улуғ рус шовинизми бўртаётгани, армиядан ўзбек йигитларининг тобутлари келаётгани тўғрисида сўзлади.

— Кулайди! – Муҳаммад Солих мавҳум бир оҳангда гап сўқди.

— Нима?

— Бўлакланади.

— Нима?

— Қутиламиз.

— Нимадан...

— Азроилдан...

— Етди... Ишонасизми?..

— Кўриб турибман.

— Сиз – чи? – Шукрулло Мирсаид менга синчков боқди.

— Тун таркайди... Кун чиқади...

— Сизлардек фикрловчилар кўпми?

— Элсевар ёзувчилар... Элсевар ойдинлар... – Муҳаммад Солих жавоб қайтарди, — ўзингиз нима дейсиз?

— Сизлар эркин одамсизлар...

— Қалб эркин бўлмаса,

Сўз эркин бўлмаса,

Фикр эркин бўлмаса қийин...

– Муҳаммад Солихнинг овозида кесатикдан кўра алам кучли эди. Мен гапни бурдим:

— Каримовда ҳам дард борми?

— Қандай маънода?

— Миллат дарди.

— Бор, аммо сир тутати.

— Унинг ўрнида, Сизнинг ўрнингизда... тушунаман... Қандок одам деб ўйлайсиз?

— Ақлли, ғайратли.

— У Сизни ҳам мард деб мактаган эди.

— Ҳаммамиз аравани бирдек тортсак ютамиз.

— Президент атрофида демокчимисиз? – Сўради Солих.

— У киши шунга истайди.

— Мақсад бир бўлса, албатта, — дедим мен.

— Мақсад – юртимизни обод қилиш, элимизни тўқ қилиш.

— Яхши ният. Лекин тафаккур эркинлигисиз бунга эришиб



Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-30

бўлмайди. Қалблар кишанланган. Ундан қутилиш учун тафаккур бирлиги керак. Озод инсонларгина, яъни хур фикрли инсонларгина Ватанни юксалтиришга қодирлар.

— Темура ҳокон тажрибаси ҳам давлатни ривожлантиришга олиб келади, — дедим Муҳаммад Солихнинг сўзини қувватларок, — у ўз мамалакатидаги ўткир ақл эгалари мияларидан унумли фойдаланган. Қаерда заковотли кишилар бўлса, гарчи айримлари ўзига қарши бўлса ҳам, уларни Самарқандга тўплаган. Ўз кекидан, ўз ўрнидан, ҳатто ўз фарзандларидан ҳам ўз эл – юрти камолини устун қўйган. Бу – Туронни ер юзида энг қудратли ва тенгсиз давлатга айлантирган. Эл: “ Бир ақл яхши, икки ақл ундан яхши, уч ақл аъло “ дейди. Минглаб миялар ҳақида ўйлаб кўринг... Ҳозир , Сиз айтган таназул – ёлғиз бошқарув оқибати эмасми? Америка Қўшма Штатлари Темура ҳокон тажрибаларидан фойдаланаяпти. Замон – замони билан дунё микёсида илм – фан, ихтиро, кашфиётлар бўйича олимлар тўплантиларини ўтказиб турибди. Шуларнинг ичидан энг иқтидорларини танлайди ва ўзига олиб қолади. Бунинг учун пулни аямайди.

Вице президент ўйланиб қолди. Мен бакалларга гуржининг шифобахш суви – “ Баржоми “ қуйдим. Ичдик. Сўнг еганимизни ҳазм қилиш учун Қизил Майдонни айландик. Кеч соат ўн бирларда ухлашга ётдик.

Эртақлардагида таътил...

Шукрулло Раҳматовичнинг гапи таъсирими, эрта тонгда Тошкентдан келтирганим – икки сумка мева – чевани олиб, ўғлим хизмат қилаётган қисм – Москва четидаги Нахабинога – тўғри қурилиш батальони командири полковник

Михаил Ивановнинг уйига бордим. Бир сумкани унга бердим. У жуда севинди. Ичида ўзбекча патир нон, тандир кавоб, уч шиша арок, коньяк, шампан ҳам бор эди. Полковникнинг хотини билан қизи ўз қувончларини яширишмади:

— О, қандай яхши!

— Ўғлинг келишган йигит , Маринани келин қил, — деди менга Мария. Михаил хотинини қўллади: — Ажойиб брак бўлади. Марина қизарди. Мен :

— Ёшлар нимани исташса, шу-да, — дедим, — аввал Бобурни ҳарбий хизматдан бўшатгин, Михаил Петрович. Мария эрига буюрди:

— Бўшатгин, Миша!

— Яхши, Мария, яхши, фақат бироз муаммо... Аммо эпласа бўлади...

Фақат ...

— Буёғини менга қўйиб бер, Михаил Петрович.

— Бир ой ичида!..

— Ўзинг ҳам Бобур билан бирга Тошкентга келсанг, Михаил Петрович, бир ой меҳмоним бўласан, таътилинг эртақлардагидай ўтади... Самарқанд, Бухоро, Хива ва тоғларга саёҳат дегандай... Совға – саломлар дегандай...

— О! – Мамнун жилмайди полковник.

— Биз ҳам бирга борсак бўладими? – Сўради Мария.

— Истасаларингиз Сочи, Ялта...

— О! – деди сакраб Марина.

— Шу муносабат билан бугун сени меҳмон қиламиз.

— Съезд...

— Сенсиз ўтар, — гапимни бўлди полковник.

Ўғлим масаласи ҳал бўлаётгани учун “ йўқ “ деёлмадим.

Полковник билан бирга батальонга ёндик. Бобурга совға –

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

саломларни топширдим ва дедим:
— Эртага мен билан бирга Москвага кетасан. Уч кунга. Насб этса, бир ой ичида уйда бўласан.

Бобур беҳад севинди...

Одил Ёқуб СССР халқ депутати

Бир кундан сўнг кечга яқин Москвага – Отелга келдик. Бобур Қизил майдон ичидаги ГУМдан ўзига ички кийим олишга кетди. Мен Одил Ёқуб ётоғига кирдим.

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-30

У бошини эгиб, ковоғини уйиб ўтирибди. Сўрашмасдан мени саволга тутди:

— Қаерларда санқиб юрибсан?

— Ўғлим масаласи билан...

— Тушунаман ... яхшими ўзи?

— Яхши, Одил оға.

— Съезд – съезд биласан...

— Биламан, Одил оға, тинчликми?

— Ўрта Осиёни пастга уришди, миллатчилик қилишди, отасига ланъат! Россия, Украина, Белорусия, Болтиқ бўйи, кавказ, қисқаси, ҳамма республикалардан СССР Халқ депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Бир бизга ўрин йўқ, қарғиш урган юртга!.. – Оди Ёқуб столни муштлади.

— Кўнгилни кенг қилинг, Одил оға, хатони тузатаман! – Мен бу гапни ишонч билан, айтдим. Нимага асосланиб? Ўғлим иши битаётганигами ё бошқа сабабми, ўзим ҳам аниқ билмайман.

— Бу ер сенга Ўзбекистонми, Мамадали? – жонланди Одил Ёқуб.

“Жонланди, демак, менга қандокдир даражада ишонди “ деб ўйладим ўзимча. Бундан кўнглим ўсди, руҳландим. Шунинг натижаси ўлароқ миямга фикр келди:

— Сиёсий тус бераман...

— Қандай?

— Сир.

— Сенда Эврил афандим, ҳали фан ўрганмаган бир хислат борга ўхшайди, — қувлик билан кулди Одил Ёқуб.

— Мазахми?

— Жон ҳам бор. Нима дейсан, ювсак бўладими?

Мен хаш – паш дегунча ярим локс хона столини ўзбекча нон, тандир кабоб, кази, сир, мева – чева, ароқ, коньяк, “ баржомми” лар билан тўлдирдим. Шоир Шукрулло ва Рамз Бобожонни дастурхонга таклиф қилдим. Муҳаммад Солиҳни тополмадим. Қайси бир ўрис

шоирниқига кетибди.

Қази ҳидини сездим, йўнулмаган таёкдек Пирмқул Қодир хонага кирди. Сўнг Саид Аҳмад.

— Ўзини ҳурмат қилмаса қийин – да... дедим кесатик оҳангда.

— Эгасиз гап, — Шукрулло севинди. Чунки у икковини ҳам ёмон кўрарди.

Саид Аҳмад кизармади ҳам. Пирмқул ер тагидан менга хўмрайиб қаради. Унга афтимни бужмайтирдим. У ичидаги

қора ниятлари акс этиб турган башарасини четга бурди.

Қадахларга ароқ, коньяк куйганимдан кейин кириш сўзи ўрнида шунга айтдим:

— Оксоқоллар, эртага ўзбекнинг энг улуғ ёзувчиси Одил Ёқуб СССР Халқ депутати бўлади. Шу муносабат билан мен бу ўтиришни уюштирдим. Яхши ният учун ичамиз! “ Ўзбекнинг энг улуғ ёзувчиси... Шу муносабат билан мен бу ўтиришни уюштирдим...” деган сўзларга атайлаб урғу бердим.

Сўзим ўққа айланди. Ўзини – ўзи “ Буюк ёзувчиман “ деб юрган Пирмқул Қодир қасовудай қорайди. Бундан мендан кўра ҳам Шукрулло билан Рамз Бобожон роҳат қилишди. Енгил табиат Саид Аҳмед ичи қоралиқ билан минғирлади:

— Бу гапни қаердан олдинг?

— Осмондан...

— Олдин ичайлик, Саид, кейин савол берасан.

— Ичмайман!

— Мен ҳам ичмайман, — Пиримқул Қодирнинг овози биқсиб чиқди. Худди... айтишга ҳам тил бормайди.

— Санларни ҳеч ким зўрламапти, — Рамз Бобожон уларни сўз билан уйиб олди, — иззатларингни билиб ўтирларинг.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақ томонда турувчи Шукрулло омбирни баттар буради:

— Ўзи санларни ким чақирди?

Мен ўлганнинг устига тепдим:

— Эртага буюк ёзувчи Одил Ёқуб СССР халқ депутати бўлади! – Қадахни кўтардим. Одил Ёқуб, Шукрулло, Рамз Бобожонлар ҳам.

— Қулоққа тепаяпсан! Аҳмоқона гап. Сайлов ўтган, — деди аламдан титраб Саид Аҳмад.

— Аҳмоқлар шундай ўйлашади.

Иккови ҳам ич – ичларидан куйган ҳолда хонани тарк этишди. Табиатан оқ кўнгил инсон – Одил

Ёқуб ҳам хатто уларга “ Ўтиринлар “ демади...

Шу кеча биз (Тўра Мирза, мен) отелма – отел юриб, съездга қатнашаётган турк тилли ёзарларга , Болтиқ бўйи, кавказ, Украина, Оқ рус, Молдаван адибларига дардимизни айтдик... Улар “ Кўллаймиз “ дейишди. Асарларини ўрис тилида ёзадиган Темур Пўлатдан илтимос қилдим:

— Одил Ёқубни СССР халқ депутатлигига кўрсатасиз.

Темур Пўлат иккиланмай рози бўлди. Пирмқул Қодир ва Саид Аҳмад СССР Ёзувчилари Уюшмаси раиси Карковга мени ёмонлашибди:

“ Маҳмудов пантуркист, унга сўз берилса, расво қилади...”

Буни мен тўплати давомида Одил Ёқубдан эшитдим. Икковига ҳам раҳмим келди: Шурликлар...

Менга сўз берилмагандан кейин, сўнгги йўл – чопулга ўтдим. Бу чоғда ўриснинг қобилиятли ёзари Валентин Распутин гапираётган эди. Унинг қўлидан микрофони юлиб олдим. Валентин Распутин қаршилиқ қилмади. Кулибгина қўя қолди.

Зал ҳайрон,

Зал жим.

Сизловик (чипқон) ёрилгандек ёрилдим:

— Ўртоқлар узр, Валентин узр, кўполлигим учун. Чунки қанча ҳаракат қилсам ҳам менга сўз беришмади. Шунга...

Сўзимни тугатолмадим. Залда қарсақ, овозлар янгради:

— Гапир,

— Торгинма,

— Эшитамиз...

— Шовинистлар Ўрта Осиёни СССРдан ажратиб қўйишди. Улкан залга қабристон жимлиги чўқди. Съездага раислик қилаётган (кимлиги эсимда қолмаган) киши тамоғини йиртиб қичқирди:

— Сенга сўз берилмади, Маҳмудов, тартибни бузма!

Унга қарши бақирди:

— Гапирсин!..

— Сўзини бўлма!..

Раис иложсиз қолди.

— Ҳар куни – ҳар куни оммавий ахборот воситаларида демократия, интернационал, тенглик, дўстлик, бирдамлик ҳақида ёзишади. Мен съездеда бунинг ифодасини кўрмайман. Россиянинг ўзидан ўн икки ёзувчи СССР халқ депутати бўлди. Бешта республикани ўз ичига олган улкан Ўрта Осиёдан бир киши ҳам сайланмади.

(Давоми келгуси сонда)



Қалбаки тадбиркорнинг кўзкўрмас станоклари

Қонун китобидан: “Ўз хизмат вазифаларимни ҳалол ва виждонан бажаришга, қонун бузилишларига қарши мурасасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан” (прокурор ва терговчиларнинг қасамёди).

Одамлар орасида юрган гаплардан: “Юқори мансабдаги давлат мулозимлари қалбаки фирмаларга жиноий акахонлик қилиб ГИГАНТ корхоналарнинг пулларини ўзлаштириб келишади”. Ўзим ҳам айнан шундай жиноятнинг гувоҳи бўлганман.

Мен гувоҳ бўлган жиноий акахонлик тўғрисида 2008 йилдан бери Бош прокуратура хабордор қилиб келаман. Лекин, Президент маслаҳатчиси лавозимида бўлган Т.Иминов содир қилган жиноий акахонлик, унинг ўз дўсти А.Фаттохов тузган “Акбар-Азизий” ва “Тошкент-12” ХКларни ишлабчиқариш салоҳияти бўлмаган ҳолда расмий қайддан ўтказиш, банкда ҳисоб рақами очтириш, олдиндан тўланадиган буюртмалар билан таъминлаш ва қалбаки фаолият учун зарур бўлган бошқа ишларни ўз қаноти остига олгани далил-исботлар билан фош қилинганига қарамасдан Бош Прокуратура жиноий иш очмади.

Бренд номи “Акбар-Азизий”, х/р 20208000900572832001 УМБ 00442 “Узприватбанк”, ҳеч қандай технология ва ишлабчиқариш салоҳиятига эга эмас, расмий

қайддан ўтган, Устав бўйича фаолият тури кенг. “Ўзпахтасаноат” — Буюртмачи, “Акбар-Азизий” — Ижрочи. Буюртма – полиграфмаҳсулотлар. Ижро ҳисоб рақамига пул келиб тушгандан кейин бошланади.

Лекин Ижрочи ихтиёрида ишлабчиқариш станоклари йўқ, ууман ишлабчиқариш майдони йўқ, Ижрочи вазифасини бажариш учун зарур шароит йўқ. Буюртмачи нимага ишониб айнан “Акбар-Азизий”ни ижрочи қилиб танлагани мавҳум.

Буюртма учун банкка пул келиб тушгандан бошлаб “Акбар-Азизий” сохта Ижрочидан сохта Буюртмачига айланади. Ижрочи

сифатида олган буюртмани энди ўз номидан расмийлаштириб “Ташполиграфкомбинат”га топширади. Ижрочи “Акбар-Азизий” Буюртмачи “Акбар-Азизий”га ўгирилди ва “Ўзпахтасаноат”дан чиққан пулнинг 95-98 фоизини ўз ҳисоб рақамида олиб қолди. Буюртмаларнинг миқдори ўта катталиги ва олдиндан тўлов шарт қилиб қўйилганлиги “Ташполиграфкомбинат”ни Ижрочи сифатида етарли даражада қаноатлантирар эди. Буюртмаларни келишилган муддатда тайёрлаб бераверди.

Қалбаки Ижрочи “Акбар-Азизий”нинг нафақат ишлабчиқариш ускуналари, тайёр маҳсулот сақлайдиган омборлари ҳам йўқ эди. “Ташполиграфкомбинат” тайёрлаган маҳсулот юк ташувчи автомобилларга ортилгани билан тўппа-тўғри вилоятларга, “Ўзпахтасаноат” корхоналарига элтиб бериларди.

“Акбар-Азизий” ва “Тошкент-12” ХКлари айнан “Ўзпахтасаноат”нинг пулларини ўзлаштириш мақсадида А.Фаттохов тамонидан таъсис қилингандир. Лекин, дўсти Т.Иминов ўз қаноти остига олиб АКАХОНЛИК қилмаганида А.Фаттохов ўзи ёлғиз бундай катта ўғирликни уудалай олмасди. Юридик шахс статусини берадиган орган Уставда кўрсатилган фаолият турларини бажараолиш салоҳияти

мавжудлигини тасдиқлашни талаб қиларди. “Ўзпахтасаноат” ўз буюртмаларининг ҳақиқий ижрочиси “Ташполиграфкомбинат” эканини билган ҳолда қалбаки ижрочи билан шартнома тузмас эди.

Шу ўринда савол туғилади: Хўш, “Акбар-Азизий” иккита гигант корхона ўртасидаги молиявий муносабатларга ўринсиз аралашуви натижасида, “Ўзпахтасаноат”нинг полиграфия маҳсулотларига йиллик эҳтиёжини бир неча баробар кўпайтириб кўрсатиб, тўрт йил давомида ҳаддан зиёд кўп миқдордаги пулларини ўзлаштирган экан, мен Бош Прокуратура айтмайман, чунки уларнинг фикрини юқорида келтирдим лекин ер тагида илон кимирласа биладиган, “мақтов”ли МХХ ёки Президент девонидаги давлат мулозимлари ҳамкасби Т.Иминовнинг тўрт йил давомида ўғирлик билан шуғулланганини наҳотки билишмаган??? Тўғрироғи билишни хохлашмаган. Чунки қарга-қарганинг кўзини чўқимаиди деганлари шу бўлса керак-да. (“Акбар-Азизий” ва “Тошкент-12” ХКларининг “Ўзпахтасаноат” ва “Ташполиграфкомбинат” ўртасидаги молиявий муносабатларга жиноий аралашганини исботловчи далилий ҳужжатларни илова қилаяпман. Сўралган жойга яна қўшимча қилишим мумкин.) Бундай талон-тарожликларга, яъни “Акбар-Азизий”га ўхшаган ХКларни расмий тасдиқдан ўтказиб қонуний тус бераётган “қонун ҳимоячи”лари ҳам талончилар билан ҳамтавоқдирлар.

Бундай ҳолат бир неча ўнлаган чавандозларнинг ўртага ташланган улоқни соврин илинжида ким биринчи бўлиб маррага олиб бориш йўлида кенг далада чанг-тўзонни осмон-фалакка кўтариб мусобақалашадиган кўпқари ўйинини эслатади.

Ўртадаги сарсон “улоқ” қўллардан-қўлларга ўтади, топталади ва роса пўстаги қоқилади.

Худди шундай мамлакатдаги ГИГАНТ корхоналарни чавандоз “акахон”лар неча йиллардан бери “пўстагини қоқиб” талон-тарож қилиб келишади.

Дунёга Ўзбекистонни бир неча

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



ниқобларда ниқоблаб “гўзал ҳаёт” мавжуддай қилиб кўрсатишади. Бу ўта устамонлик билан ўралган ниқобларни битта-битта ечганингиз сари ичидан “акахонлик” “коррупция”... ва бошқа иллатлар етаклаа-шииб чиқиб келишади. Ҳеч қайси мамлакатда акахонлик ва коррупция Ўзбекистондагичалик авж олиб ривожланмаган бўлса керак.

Агар АДОЛАТ ҳаққи-хурмати Ўзбекистондаги ҳаётни ниқобсиз, борича кўрсатганларида эди, биз мамлакатимиз коррупция бўйича дунёда етакчи ўринларда турганини билган бўлардик.

Буларнинг ҳаммасига юқорида келтирган “қасам”ни ичган “прокурор”лар жиноий иш очиб қонуний чоралар қўллашлари керак эди. Лекин бунинг ўрнига қасамёдига хиёнат қилиб, бурчига садоқатсизлик ва мажбурятини ҳис қилмаган “прокурор”лар бундай мажбурятдан ўзларини соқит қилишди. Қасамини бузганларни эса кимлар дейишади...?

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджетини, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ўйлаб ва ҳалқ фаровонлиги йўлида Бош Прокуратура тизимлари билан тўлалликда давлат ҳокимияти тизилмасидан буткул чиқариб ташланса адолатдан бўларди.

Дунёда прокурларсиз ҳам бошқарилаётган мамлакатлар бор-ку, ахир

Харакатсиз турган бутун-бир прокуратура тизимларининг кимга кераги бор???

Чамангул Негманова

Россия ракеталари ҳавода йўқ қилинади

Туркия Денгиз кучлари қўмондонлигининг нафақадаги адмиралли Сўнэр Пўлат НАТОнинг ҳозирги ракета мудофаа тизими Россиянинг атом қудратига қаршилиқ қилиш учун етарли бўлмаслигини, аммо янги бир тизим ишлаб чиқилганини ва унинг ёрдамида Рус атом ракеталари ҳаводаёқ тўхтатилишини айтган.

Туркия Денгиз кучлари қўмондонлигининг нафақадаги адмиралли Сўнэр Пўлат, НАТОнинг ракета мудофаа тизими ҳақида сўз очди. Америка ва НАТО ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ракета мудофаа тизими соҳасини кенгайтириш лозимлигини айтган Сўнэр Пўлат, 2 йил ичида Руминия, Полша ва Қораденгизда мудофаа тизими қурилиши режалаштирилганини айтди. Россиянинг атом қудратини эътиборсиз қолдириб бўлмаслигини қайд қилган Сўнэр Пўлат, Россияни

дунёнинг энг кучли атом ракета қудратига эга эканлигини сўзлади.

3 босқичли жараён амалга оширилади

НАТОнинг мавжуд ракета мудофаа тизими Россиянинг атом қудратига қаршилиқ қилиш учун етарли бўлмаслигини баён қилган Сўнэр Пўлат, “Шуни ҳисобга олган ҳолда, бу мудофаа қувватини ошириш учун саъй-ҳаракатлар жадаллаштирилди. Бу ҳаракатларнинг биринчи қадами Курежикдаги ҳимоя қалқони билан амалга оширилди”, деди. Ракета мудофаа тизимининг “Отилган ракетани аниқлаш, назорат ва йўқ қилиш” шаклида 3 босқичли жараёндан ташкил топишини қайд қилган Сўнэр Пўлат, янги ишлаб чиқилган мудофаа тизими ёрдамида Рус атом ракеталарининг ҳавода йўқ йилинишини айтди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ҳимоя ва қораловчи томон Жуковскийга белгиланган суд ҳукми юзасидан арз қилди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Таниқли имом Обидхон қори Назаровнинг яқинлари уни ҳаётига суиқасд қилишга уринишда айбланган Ўзбекистон фуқароси Юрий Жуковскийга енгил жазо белгиланган, дея аввалги суд ҳукми юзасидан апелляция маҳкамасига ариза қиритганлар.

Обидхон қори Назаровнинг яқинлари ва қораловчи томон унга умрбод қамоқ жазоси тайинланишини сўрамоқда.

Швециянинг Остершунд шаҳридаги маҳкама ўтган ойнанинг ўрталарида Назаров жонига суиқасд қилган Жуковскийни 18 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилган эди.

Обидхон қори Назаровнинг яқинлари ва қораловчи томон Жуковскийга енгил жазо берилди, дея унга умрбод қамоқ жазоси тайинланишини сўрамоқда.

— Бу қарор келгуси тергов жараёнига тегишли бўлган катта ва кенг кўламли ишларимиз учун замин яратади. Ҳали иш охирига етгани йўқ. Асосий ижрочи жазоланди, аммо бу ишнинг орқасида турган кучли гуруҳлар бор. Уларни жавобгарликка тортиш

ҳаракатлари ҳали анча давом этади, — деган эди Довудхон Назаров Озодлик билан суҳбатда.

57 ёшли Обид қори Назаров 2012 йилнинг 22 феввалида Швеция шимолидаги Стромшунд шаҳарчасида ўз уйи йўлагида отиб кетилганди.

Ўзбекистон ҳукуматининг ашаддий танқидчиларидан бўлган Обид қори Назаров ҳамон оғир аҳволда шифохонада ётибди.

Швед прокурори Кристер Петерссен Ўзбекистон ҳукуматини суиқасд амали ортида турганликда айблаган эди.

Остершунд шаҳар судига айблов хулосасини топшириб бўлгач, Озодликка гапирган терговчи Петерссен ўз аризасида бевосита Ўзбекистон ҳукуматини айбламаган бўлса-да, Жуковский суиқасдни “Ўзбекистон давлати буйруғига кўра” амалга оширгани хусусидаги иддаоларни илгари сурганини билдирганди.

Бундан аввал айбалнувчининг ҳимоячилари ишонарли далиллар йўқ, дея Жуковскийга қўйилган айблов юзасидан апелляция маҳкамасига арз қилишганди.

Манба: «Озодлик» радиоси

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Албатта, аёл тугул, манаман деган эркак ҳам бундай манзарага шунчаки қараб тура олмайди. Ажали яқин эканини ҳис этиб, Настя ҳам жазавага тушади.

— Пичоғингни ол, ёлвораман! Менга тегма!

— Тез бу ердан чиқиб кетиш йўлини айт! — бу сафар овозим ҳар галгидан ҳам таҳдидли янгради.

— Ётоқдаги деразани оч, юк машинасига кўзинг тушади. Юрагинг бетлаб ҳатласанг, кутулиб қолганинг, бошқа йўл йўқ! — деди хириллаб Настя.

— Мени кечир, ваъда бериб қўйганман, — дедим елкамга сумкани осиб, — энди уни бажармасам бўлмайди.

Бу гапни эшитиб Настянинг рангида умуман қон қолмади. Ётоққа қараб йўналишдан аввал унинг қулоғига секин пичирладим:

— Мен кетяпман, лекин, албатта, қайтиб келаман. Чунки шу пайтгача сўзидан қайтган йигит эмасман. Толянга беришинг керак бўлган пулни тайёрлаб қўй, шунда сенга ҳеч бир зиён етказмайман.

Шу пайт ташқарида шовқин кучайди. Вақтдан фойдаланиш учун югурганча ўзимни ётоққа урдим.

Кўз очиб юмгунча қалин ўрмон ичкарасига етиб олдим. Атроф зим-зиё, тик этган товуш эшитилмайди. ғулоғимга "Ана, буюққа кетди шекилли! Тез бўл! Машинани ўт олди!" деган ҳайқириклар чалингани сайин тезроқ чопа бошладим.

Юз метрча югуриб боргач, орқадан қандайдир машинанинг ўқдай ўчиб келаётганини кўриб дарҳол ўзимни дарахт панасига олдим. Аксига олгандек, машина ҳам рўпарамга келиб тормоз берди.

— Қўлга тушдим чоғи! — хаёлимдан ўтказдим. — Ментлар мендан эпчилроқ чиқиб қолдим дейман?

Аммо не кўз билан кўрайки, машинадан Давид тушди.

— Бургут, чиқавер, кўркма! — қичқирди у. — Фақат тезроқ бўл! Улгуришимиз керак!

Мен эҳтиёт шарт орқа-олдимни кўздан кечирган бўлиб дарахт панасидан чиқдим ва индамай машинага ўтирдим.

— Хўш, иш битдимиз? — сўради Давид.

— Йўқ, — ойнадан ташқарига тупуриб бошимни чангалладим. — ментларга хабар бериб юборибди қанжиқ. Аранг қочиб қолдим. Лекин тайинладим. Пулларни албатта тайёрлаб қўяди.

— Тўппа-тўғри, — деди Давид йўлдан кўзини узмай. — бермай қаерга борарди?.. Майли, тезроқ манзилга етиб олайлик. Ментлар



Зулматдаги умр-28

то машинасига ўт қўйгунча, насиб бўлса уйда ўтирган бўламиз.

— Қаерга борамиз ўзи? — сўрадим ҳайрон бўлиб. — Мен айтган жойгами?

— Йўқ, ўрмон ичкарасида бир озарбайжон танишим яшайди. Зўр овчи. ҳақиқий эркак. Турма кўрган. Ёшлигида унинг олдига тушадиган ўғри йўқ эди. Қариб қолди. Аммо "понятка"си ҳалиям зўр!.. Анавилар сал тинчигунча ўшаникида беркиниб тураман.

— Кейин-чи?

— Ими-жимиди пулларни оламиз-у, сени турмага ташлаб қўяман. Толян шундай деб тайинлади.

— Узиям... Зўрларнинг кўзини шира босиб қолганга ўхшайди. — дедим норози оҳангда. — ҳаммаёқни ахлат босиб кетибди-ю, пайқашмайди. Шундай ўғри қаёқдаги мегажиннинг қилиб юрган ишларини сезмас-я!..

— Қўявер, — мени тинчлантирган бўлди Давид. — Сен Толяни яхши билмас экансан. Уша Настянг бизнинг совунимизга кир ювмабди. Сени турмага элиб қўяй, кунини кўрсатаман.

Олтмишларга борган, оппоқ соқолли Мамед оға худди бизни кутиб тургандек тахтадан мўъжазгина қилиб қурилган ҳовличаси атрофида айланиб юрган экан. Машина келиб тўхташи билан бизга пешвоз чиқди.

— Давид, сени Худонинг ўзи етказди менга! — негадир йиғламсираб сўз қотди қария. — Яхшиям кеп қолдинг! Умринг зиёда бўлсин!

— Нима бўлди, оға? — қарияни қучиб сўради Давид. — Ким сизни

хафа қилди?

— ҳали замон кеп қолишади хафа қилганлар! — деди Мамед оға йўл томон ишора қилиб. — Ушаларни кутаётгандим.

— Ким ўзи улар?

— Қандайдир Семен деган бойвачча. Мана шу уйимга эга чиқаяпти итдан тарқаган. Сотмайман деганимга қўймапти.

— Ие, нега ундай қилади? Мени айтмадингизми?

— Айтдим. "Мен унақа одамларни танимайман" дейди.

— У, шунақа зўрмикан?.. — гапга аралашдим. — Неча киши ўзи?

— Утган гал икки киши келганди. Бугун... Билмадим...

— Хавотир олманг, — дедим қариянинг елкасига қоқиб. — биз шу ерда эканмиз, сизни ҳеч ким хафа қилмайди.

— Мен у Семенни яхши танийман. — деди Давид кафтларини бир-бирига ишқалаб. — Қаерлардандир улгуржи мол олиб келиб бозордагиларга ўтказиб юрарди. Кучайиб қолибди-да! Қани, курайлик-чи!

— Бу ерлар овга қулайлигини билади-да! — арз қилишда давом этди қария. — Қолаверса, унақалар бемалол аёлларниям шу ерга опкелиб айш қилса, бўлаверади. Ит ҳам кўрмайди уларни. ҳа-а, яна яширин молларни сақлашгайм қулай.

— Қани, ичкарига бошланг! — деди Давид тоқати тоқ бўлиб. — Биз эҳтиёт шарт беркиниб туришимиз керак. Ментлар келиб қолиши мумкин. У сўтакминан келганида гаплашамиз.

— Бўпти, бўпти. — қария бизни ҳовлига бошлади. — Юринглр, сизларни қўлбола арокминан меҳмон қиламан... Милисалардан кўнгилларинг тўқ бўлсин. ҳаммаси яхши бўлади...

— Ароқни қўйинг, — деди Давид торгина, зах ҳиди анқиган хонага кириб ўтирганимиздан сўнг. — бизга яхшиси аччиқ қилиб чой дамланг!

— Мамед амаки тушунди. Ўғрилар билан биринчи кун гаплашмаётганини мийиғида жилмайиб бир қути куруқ чойни чойнакчага солганидан дарров пайқадим.

У тез орада куйиб кетган пиёздоғни эслатувчи чефирни дамлаб келиб олдимизга қўйди.

— Ичамизми? — сўради Давид менга кўз қисиб.

— Мен яхшиси ароқ ича қоламан, — дедим бурнимни жийриб. — Бу матоҳни қандай ичасизлар, сира тушунмайман.

— Э, Бургут! — кулиб чефирдан пиёлани тўлдириб қўйди Давид. — Бунинг мазасига ўргансанг,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ароқни менсимамай қўясан. Майли, қани Мамед оға, дўстимга қуйинг ўша қўлбола ароғингиздан! Қизиталоқлар келгунича бир қизишиб олайлик! Ароғи ҳақиқатан ўткир экан. Ютимнинг ўзи томоқни шилиб олай дейди. Икки пиёлани сипқорганимдан кейин ростакамига қизишдим.

— Қани, оға, уйингизга қанча сўрапти ўша мишиқи? — сўрадим рўпарамда бошини эгганча ўйга толган қариядан.

Мамед оға менга жавобан қўл силтаб қўйди.

— Беш юзгина. — дея олди зўрға.

— Нима?.. Беш юз?.. Вой пайтавақулоқ-ей!..

Бу гапдан жазавага тушиб яна бир пиёла ароқни сипқордим.

— Майли, келишсин! — дедим бироз жаҳлим босилгач. — Узим гаплашаман уларминан. Фақат сиз аралашмайсиз. Нима десам, маъқуллаб ўтираверасиз.

— Хўп, хўп! Худо хайрингни берсин, Бургут!

— Ие, мени қаердан танийсиз?

— Сени танимамай бўларканми, болам?.. Менам бегона эмасман. Ишқилиб, омадингни бераверсин!

Мамед оғанинг жавоби мени янада руҳлантириб юборди.

ҳа, мен ўғрилар оламида танилиб қолганимни тагин бир қарра ҳис этдим. Бўёғига Худо ёр бўлса, мансаб оларман ва Толянинг биқинидан жой оларман!..

Орадан бир соатча вақт ўтиб ташқарига машина келиб тўхтагани қулоғимизга чалинди. Шу заҳоти Давид иккимиз барабар ўрнимиздан турдик. Мен тўппончани қўлимга олиб ўқладим.

— Чиқиб қаранг! — буюрдим Мамед оғага. — Ментлар бўлса, белги беринг!

Мамед оға шоша-пиша ташқарига чиқди-да, дарров қайтиб кирди.

— Анавилар келишди! — деди шивирлаб. — Семен келди. Ёнида икки ҳамтовоғиям борга ўхшайди.

— Қарши олинг! — дедим унга. — Сўрашса, қишлоқдан қариндошларим келишган эди деб айтинг.

Мамед оға пилдираганча ташқарига чиқиб кетди.

Зум ўтмай, хонага пакана, қорин қўйган, ўттиз ёшлар оралиғидаги бир йигит, кетидан узун бўйли икки башанг кийинган йигит кириб келишди.

Қария уларни стол арофига ўтқазиб, менга умидвор тикилди.

— Кимсизлар? — сўради Семен бир менга, бир Давидга боқиб.

— Бизми?.. — мен Давидга ер остидан кўз қисиб қўйдим-да, ўзимни гўё қўрқаётгандек кўрсатиб жавоб қилдим. — Қишлоқдан

келдик, қишлоқдан!

— Шунақами? У ҳолда бошқа хонага ўтиб туринглар! Бизни қарияминан гаплашадиган гапларимиз бор.

— Хабардормиз. — деди Давид сал бўшашиброқ. — Оғамиз шунинг учун бизниям гувоҳликка чақирган эди.

— ҳа-а, гап буюқда дегин? — Давидни “сен”лаб гавдасини орқага ташлаб юборди Семен. — Майли, майли... ўлиб кетмайсанларми ўтириб... Хўш, қария, ўйлаб кўрдингизми?..

— Уйлаб кўрдилар, — гапни илиб кетдим. — лекин... Акалар... Сал камроқми деймиз-да!.. ҳарқалай, сиздай бойвачча, қўлини қаерга узатса етадиган одам тагин беш юз қўшиб юборсангиз, ёмон бўлмасди. Пул қозонингизга бир марта чавли

Зулматдаги умр-28

солсангиз, бир дунё пул сузиб оласиз.

— Сенга ким қўйибди менга ақл ўргатишни? — тутоқиб кетди Семен.

— Ақл ўргатмоқчи эмасман. — дедим янада бўшашиброқ. — Беш юз қўшсангиз, тагин битта уйимиз бор. Униям сотиб юборардик. Очиғи, пул жудаям зарур эди-да!.. Бу уй ҳам шу яқин орада. Зиён кўрмайсиз. Сувга яқин, ов қилсангиз ҳам, дам олмоқчи бўлсангиз ҳам маза қиласиз.

Бу гапимни эшитиб Семен ҳушёр тортиди.

— Уйнинг эгаси ким? — сўради у. — Ким деяпман?

— Синглимиз яшайди. — дедим хотиржамлик билан. — Агар савдоимиз пишса, оғайним фзиллаб чақириб келарди.

— Бўлмайди, — гапни калта қилди Семен. — беш юздан бир тийин ҳам ортиқ бермайман. Хоҳласанг, чақиртириб кел! Бўлмаса, савдога аралашмасдан “қисиб” ўтир!..

Хожасининг бу ҳақоратли сўзини эшитган йигитлар пиқ этиб кулиб юборишди.

Энди асосий “иш”га ўтмасам бўлмасди. Иложи борича ўзимни босиб бир қарияга, бир Давидга қараб олдим. Афтидан Давид ҳам ҳақоратга чидай олмаётган, муштларини туғиб қўяётганди.

— Сен ҳезалак, менинг кимлигимни биласанми? — ўрнимдан туриб Семен томон эгилганча шивирладим. — Нега тумтайиб қолдинг? Ё аммангнинг сигири чала туғиб қўйдими?

Бундай кескин муомалани кутмаган Семен ҳам ўрнидан туриб менга мушт ўқталиш илинжида қўлини кутарди.

— Мен Бургутман! — дедим овозимни баландлатиб. — Эшитганмисан?

Шу ондаёқ у тош қотди. ҳозиргина масҳараомуз тиржайиш билан банд бўлган икки йигит ўзини орқага олди.

— Хўш, нега индамайсан? — сўрадим дағдаға аралаш. — Танийсанми-йўқми?

— Т-танийман. — деди Семен.

Унинг титрай бошлагани шундоқ сезилиб қолди.

— Кечиринг, — давом этди у ялинган оҳангда. — мен билмай қолдим. Узр!..

— Йўқ, поезд аллақачон кетиб бўлди! — дедим қайтадан жойимга чўқарканман. — Мендай акангни ранжитиб қўйдинг, бола! Атай паст келаётгандим. Сени текшириб кўрмоқчийдим. Шалтоқлигингни ошкор қип қўйдинг.

Семен индамасди. Бошини эгганча, худди тагини ҳўл қилиб қўйган бола каби тек қотиб турарди.

— Утир! Эндиги суҳбатимиз бошқача бўлади. — ўдағайлашда давом этдим. — Хўш, тайёрмисан?

Семен боши билан маъқул ишорасини берди.

— Унда эшит, сенинг қарияга берадиганинг бир челақ тезаккаям арзимайди. Шуни биласан-а?

— М-мен... Мен...

— Намунча ҳажикизга ўхшаб чайналасан? — ўшқирдим унга. — Мундоқ эркакчасига гапиришни биласанми ўзи?

— Ахир... Келишгандик, ака!..

— Манқалик қилма, йигит! — дедим Семеннинг ортида қимтинибгина турган икки йигитга ўқрайиб. — Узинг тагингни шилта қилдингми, ўзинг тозала!.. Айтганча, Мамед оға, булар қанақа машинада келишди?

— “Волга”да! — ҳовлиқиб жавоб қилди қария.

— У, машинанинг ҳўрози сенда экан-ку-а?.. Қара, шундай машиналарни миниб юрасан-у, беш юз қўш деганимиз учун нафасингни ичингга тортасанми?..

Шу лаҳзада Давид секин Семеннинг тепасига келиб мушт ўқталди.

— Э, йў-ўқ! — уни тўхтатдим ва билагидан тутиб ортга сурдим. — Бу нима қилганинг, оғайни? Зоти баланд одамларга қўл кўтариб бўлмайди. Гуноҳ бўлади-я!.. Семен ақли бутун болага ўхшайди.

— Э, урдим ўша зотигаям! — бақирди Давид хезланиб. — Қаранг, кеккайиши оламни бузади!..

— Майли, майли, ҳозир тинчланади. — ҳамроҳимни тинчлантирган бўлдим. — Қизишиб кетди, йигитнинг гули, қизишиб кетди!..

(Давоми келгуси сонда)

Мен ҳозирги кунда деярли ҳар куни чет элда туриб олиб ўзига «беклик» мақомини бериб айрим ўзбек халқи ичидан чиққан онгли паст кимсаларни қилмишларига бутун бошли ўзбек халқини ҳақоратлаб қандай кунларга, қолдиг-а, биз қандай миллатмиз дея ҳақоратни қоғозга ўралган мақомини баралла овоз билан жунбуш уриб дунёга таратмоқдалар. Шундай кимсалар учун мен куйидаги ўзимни мақоламни бағишлайман. Мен айтиб ўтишим жоизки мен шоир ҳам, ёзувчи ҳам, журналист ҳам эмасман. Мен

замонларданок Турон Туркистон дея аталган она Ватанимиз дунёга ўзини тенглаштириб бўлмас тарихи билан дунёга машхур. Бу машхурликни тарихда Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср ва Рим давлатлари қаторидан бемалол ўрин олиши мумкин бўлган ҳолатда, бу мустақиллик дегани ўзбек халқини бутун дунёда таназзулга учратиб юзини шувут бўлишига кенг йўл очиб берди ва бермоқда ҳали ҳам. Энг ачинарлиси шундаки ўзбек халқини халқ орасидаги онгли паст бир-иккита маънавий қашшоқ қисмлари ҳисобланмиш



БИЗ ҚАНДАЙ ХАЛҚМИЗ? БУЮКЛИГИ ТАНАЗЗУЛГА АЙЛАНГАН ХАЛҚ

врачман. Лекин медицина борасида тулиқ медицина журналистиман дея оламан. Бунга ўз билимимдан ва маълумотимдан келиб чиқиб бутунлай ҳаққим бор. Лекин ҳозир буни исботлаш мавриди эмас. Мен демоқчиманки агар шу мақолада имловий ёки маъновий хатолар бўлса мен ўқувчилардан олдиндан узор сўрайман.

Биз қандай халқимиз? Буюклиги таназзулга айланган халқ

Жуда чиройли сузлар билан куйидаги мисралар бошланади «XXI аср бўсағасида жонажон Ватанимиз тарихида буюк воқеа – тарихий Ўзбекистонни янги тарихини бошлаб берди. 1991 йил 31 август куни бўлган Республика Олий Кенгагини навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди ва буни байрам сифатида нишонлашни 1 сентябр кунига белгилади».

Шу кундан бошлаб тарихи бой ўзбек халқи энг ёлғончи, манқурт халққа айланишини мустақиллик эълон қилган ҳукумат алоҳида «ўзини олдига вазифа» қилиб куйди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи кутган ва умид боғлаган мустақиллик умуман аксар ҳолатда халқни кўз ўнгидан намоеён бўлди ва халққа жуда қимматга тушди. Айримлари шу мустақилликни халқ истаган мустақиллик бўлиши учун курашиб ҳукуматни Сталин давридаги турмаларидан ҳам жирканчроқ турмаларида ажалидан олдин у дунёга равона қилдилар. Улар бу кураш йўлида ўзбек халқини бутунлай умумлаштириб пастга ўрмадилар, улар ўзбек халқи муаммоларини ечиш йўлини излаб бу йўлларни ҳукумат доирасида амалга оширилишини истадилар.

Ўзбек халқи буюк халқ, шу буюклигини аниқ кўрсатувчи ўзини буюк тарихига эга. Қадим

шахслари орқали, ўзлари ҳам ўзбек халқи ҳисобланиб, миллати ўзбек бўлмиш, ватани Ўзбекистон бўлмиш кимсалар деярли ҳар куни деса ҳам бўлади интернет тармоқлари орқали баралла овозда жунбушга берилиб ўзбек халқини обрўсини бутун дунё олдида тўқмоқдалар. Хайрон қоларлиги шундаки, бу таназзуликни бу юзи шувутликни ўзбекни юзига ўзидан ташқари умуман бошқа миллат вақили солмаётир. Бу билан улар нимага эришадилар? Бунинг ўрнига улар маърифатни кўчайтириб, шу ўзбек халқини юзи шувут бўлмасликлари йўлларини ахтариб, таназзулдан чиқишга амалий ёрдамни қайси бир йўналиш орқали қилиниши тўғрисида алоҳида режа тузиб омма ўртасига муҳокамага ташласалар яна ҳам яхши бўлар эди. Тўғри улар амалда ўз ватанида ҳеч бир иш қила олмайдилар. Ачинарли томони ҳам шунда. Бошқа юртга келиб «мен ўзбек халқини таназзулдан чиқариш вақтни йўлларини бемалол ўйлаб чиққани ва имкон туғилган вақтда, қўлдан бой бермай ҳаракат қилиш учун келдим, чунки ўз ватанимда мени бундай ҳаракатларим йўллари ҳозирги диктаторлик мақомини олган ҳукумат томонидан тўсилиб қолди. Бундан ташқари мен мусофирчиликда ўз ватанимни бошқа юртлар билан қиёслаб улардан барча инсонга наф келтирувчи яхши томонларини ўрганиб, вақти келса ватанимда яшаётган ўз халқимга тақдим қиламан» — дейдиганлар борми?

Минг йиллар давомида ўзбек халқини форс, ҳинд, юнон, араб, рус ва бошқа миллатлар ва халқлар билан маълум даражада аралашуви содир бўлиб, уларни маданияти, фани, тарихи бир-биридан баҳра олган ва мужассамлашган. Ўзбек халқи ҳам шу ўринда кун сари замонавийроқ бўлишга модернизация ва инновация

поғоналаридан кўтарилишга интилмоқдалар. Шунинг учун ҳам кийимлари ҳам бир-бирига ҳавас қилган ҳолатда ўзбек миллий кийимларидан ташқари замонавийроқ, ўзлари кўпроқ ёқтирган халққа тақлид қилиб уларни кийиниш урфларидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Шу ўринда мен таъкидлаб ўтамани, масалан рўмол ўрашлик бу давлатга қаршилик белгиси эмас. Бир савияси паст маҳалла комитети маслаҳатчиси ҳокимият томондан рўмол ечтириш рейдига чиққан вақтда рўмолликларни тўхтатиб, сенлар нега туркиядагиларга ўхшаб рўмол ўрайсанлар, улар бизни дўппини кийишмайдику. Ҳозироқ рўмолингни еч, бўлмаса ҳужжатларингни кўрсат» — дея халқ ичида ҳокимиятни жирканч агитациясини олиб борган. Замонавий кийинадимми ёки рўмол ўрайдимми аввало ҳар бир инсон дунёвий, миллат менталитетидан ташқари ўз оилавий менталитетига ҳам эга. Улар қандай тарбия топсалар шу йўлдан кетишади. Шунинг учун мақол ҳам бор «қуш уясида курганини қилади» деб.

Ватанимиз хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк боболаримиз Мухаммад Мусо ал Хоразмий, Абу Носир Фаробий, Ахмад ал Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Мухаммад ибн Исмоил ат Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобурлар билан нафақат ўзбеклар балки бутун дунё халқлари фахрланадилар, улар орасида шу буюк алломаларни ҳаётини ўрганиш учун бутун умрини бағшлаган олим-уламолар бор.

Тарихда тараққиёт бўлиб, таназзул ҳам бўлади. Шунинг учун

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳам тарих дейилади. Лекин ҳар қандай шароитда, ҳоҳ тараққиётда бўлсин, ҳоҳ таназзулда ўзбек халқини дунё буйича баланд овоз билан пастга уришлик бу маънавий қабихлик. Ҳар бир тузумни ўзига хос объектив ва субъектив, позитив ва негатив, мусбат ва манфий томонлари бор. Бу баланд овозда сўзлайдиган ораторлар сўзлашдан олдин ҳолатни объектив томондан кўпроқ ўрганиб, тараққиёт бўлса фаҳрланиб, таназзул бўлса бу таназзул сабабларини излаб топиб, таназзулдан олиб чиқиш режаларини ўйлаб омма орасида ўртоқлашсалар нур устига нур бўлар эди.

Шу ўзбек халқи айниқса 2005 йил 13 майда рўй берган хунрезликдан сўнг кескин таназзулга тушиб кетди. Масалан уша баланд овозда ўзбек халқини Франция халқи билан солиштирган ўша ўртоқлар шу солиштиришдаги ўзбек халқини ёмон томонида ўзбекни ўзини бутунлай айблаб қўйди. Ахир ҳар бир нарсани айтиб ўтилганидек ўзини томонлари ва сабаблари бор. Фалсафий маънода ҳеч бир сабабсиз натижа келиб чиқмайди.

Франциядаги терактда асосан ҳақиқатда террорчи айбдор, Франция ҳукумати ўзини аҳолисига қараб террорчини ўлдираман деб ўқ узмади. Шунинг учун ҳам Франция халқи ақли ҳушини йиғиб олиб ўзини ва биродарларини хавфсизлиги учун ҳаракат қилдилар. Узбеклар нима учун қочиб қолдилар. Чунки ҳукумат халқ кўз олдида ўқ узди. Шунинг учун ҳам улар ўзларидан ташқари биродарларини ўйлайдиган ҳолатда эмас эдилар. Иккинчидан воқеа эртаси куниеқ бозорлар ёпилиб айниқса ўзбекни кундалик истеъмолидан биринчи ўринни олган нон йўқолди. Бунга ўзбек эмас, ҳукумат билан бирга «ошиқ уйнайдиган» тадбиркорлар, ҳукуматни ўзини вакиллари айбдор. Чунки бу ерда пул муҳим рол ўйнайди. Қиммат нархдан улар ўз вақтида имконни қўлдан бой бермай фойдаланиб қолдилар. Ўқ овозлари анча кунгача эшитилиб тургани боис халқ кўчага чиқа олмай қолди. Бундан ташқари ўлганлар орасида нафақат акромийлар умуман бу майдондаги тўпланишга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли вакиллари ҳам ўқ туфайли дунёдан кўз юмдилар. Нечтаси бедарак кетди. Шунинг учун ҳам халқ кўчага чиқа олмай қолди. Таксичиларга келсак, ҳақиқатда тирикчилик қилиб кунини ўтказайдиган таксичилар кўчага юкорида айтилган сабабларга кўра чиқа олишмаган, юрган таксилар ҳукуматни лайчалари бўлишган. Улар ўша вақтда икки томонлама



буқаламунга ўхшаб муқом ташлаганлар, яъниким биринчидан қиммат нархга юриб, ҳам ўзини чўнтагига ҳам ҳукуматдаги гүмаштаси чўнтагига пул солган, иккинчидан айғоқчилик қилиб халқ орасида қандай гап юрганлигини сўраб билиб погонли акахонларига етказиб туришган. Бундай ҳолатларда ўзбек халқи эмас халқни айрим жирканч вакиллари, ҳамда ҳукуматни ўзи айбдор. Тўй томошаларга келсак, ҳукумат ўзи мотам тутмаганидан кейин улар тўй кунини белгилаб қўйишганликлари учун тўйни ўтказишга ҳаракат қилишган. Буни ҳам кўйидаги сабаблари бор. Биринчиси ўзбекка тўй қилиш осон эмас, бўлиб ҳам Ўзбекистондаги нарх навога қараб. Иккинчидан улар эртага нима бўлишини билишмайди, эртанги кунни тўғрисида ҳадиқда, кўтилмаганда яна бир нарса бўлса, тўйга тайёргарлиги вақтида сарф бўлган ҳаражатлари ҳавога учиб кетишдан қўрқиб қолган. Учинчидан тўй қилингандан сўнг кўни-қўшни қариндош-уруғ орасида ҳижолат бўлишдан қўрқиб қолган. Шунинг учун ҳам тўйларини атрафдаги азаларга қарамай тўхтатмай ўтказишган. Телевизорда ҳар куни ўйин кулги бўлгандан кейин улар нима қилсин, ҳукумат ўйнаб куляптику биз ҳам бемалол тўй қилсак бўлаверади деган хулосага келишган. Францияда эса ҳукумат дарҳол мотамни бошлаб юборди. Жабрланганлар ва вафот этганлар оиласига керакли ёрдамларини беришда, таъзияларни ташкиллаштиришда жонбозлик кўрсатишди, ўз вақтида халқи жабр кўрганлиги учун ҳам тезкор равишда теракт айбдорларини қидириб топиш чора-тадбирларини кўра бошлашди. Ўзбекистонда эса ҳар бир «эшиқ» ҳовли хонадон қолмадики мелисалар

қилиб чиқмаган. Улар халқни таъзиясига шерик бўлишни ўрнига аза бўлаётган хонадон эгаларини сўроқ саволга олиб кетишиб қариндошларини мелисахона эшиги олдида соатлаб туришликка мажбур қилишган. Охириги жумлалар орқали таъзияга ўзбек андижон воқеаси даврида танлаб киришган деган саволга дастлабки жавоб ҳам топилди. Аза кунлари эшигидан тинмай мелиса-ю, прокурорлар қадами узилмаган хонадонга қандай қилиб кўни-қўшни ёру-биродар юраги хатлаб таъзияга қиради. Улар ҳам мелисани сўроқ саволларидан чўчишади-да. Андижон прокурорини ўйи олдида нимага таъзияга келганлар кўп бўлган, чунки у ҳукуматни одами бўлган, уни қариндош уруғини аза кўни олиб кетишиб соатлаб сарсон қилишмаган. Бундан ташқари таъзияга келганлар оддий халқ эмас «ҳукуматни намоёндалари» эди. Бу прокурор хонадони билан оддий халқ хонадонини аза туфайли солиштириш бу ожизлик.

Аза чиққан хонадонда нафақат азага қиришчилар хаттоки ўз хонадони эгалари мажбуран оғзида мум тишлаб ўтиришган. Улар қаттиқ босим орқали қўрқитилган.

Агар ҳукумат ҳақиқатда Андижон воқеасини террорчилик акти сифатида баҳолаганда, ҳукумат ўзини маҳаллий ҳокимияти орқали улар эса жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали азадор хонадонларга ёрдам беришга уринганда эди халқ ҳам жипслашиб азадорга кўмак беришга интилар эди. Азадорларга кўмак ўрнига улар маҳалла орасида сазойи қилиш отасиз қолган ёш болаларга боқувчисини йўқотганлиги ёки оддий болалар учун тайинланган нафақа пулини беришлик учун уларни шу маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари томонидан тўсиб қўйилди.

Энди Ўзбекистонда болалар ўлими кўпайганлиги, болалар ўлигини итлар ғажиб ташлашликлари, россияга бориб бузилиб келаётган ёш қиз-жувонлар, ўз боласини туғиб ахлатхонага ташлаб кетаётган аёллар ва ҳоказолар тўғрисида бутун ўзбек халқини айблаш ва ҳақоратлаш умуман ножоиз. Сабаби бу шу халқ ичидан чиққан айрим маънавий ақли фаросати йўқ жирканч кимсалар. Улар билан бутун халқни тенглаштириб бўлмайди. Ваҳоланки бундай жирканч кимсалар ҳар бир халқ ичидан мавжуд, улар бошқача кўринишда бўлишлари мумкин, ёки уларни ўз халқлари баралла овоз билан қораламаслар шунинг учун улар балки сезилмас.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Иккинчидан уларни айби ҳам оммага ўзбек халқига етказишдан фарқли ўлароқ кўпроқ ҳукумат орқали аниқ факт далиллар билан келтирилиб улар омма орасида фақат ўзлари айбланадилар. Халқни ҳеч қандай бир вазифа билан уларга тенглаштирилмайди. Масалан мана Россиядаги «Говорим и показываем», «Пусть говорят» ва ҳоказо. Улар шунақа муаммоларни кўтариб чиқадилар ва айнан шу вақтда номи қораланаётган қахрамонларни ўзлари ҳам иштирок этадилар. Бу билан улар бу «қахрамонни» айбласаларда ўз вақтида унга бу йўлдан қайтаришлик учун қандай чора тадбирлар кўрилишлиги тўғрисида ҳам баҳс юргизишади. Бу қахрамон орқали улар ҳеч қачон умумлаштириб рус халқини ерга урмайдилар.

Аёл. Оила. Жамият. Аёл-муҳаббат. Аёл-қувонч. Аёл-ташвиш. Аёл меҳру-муҳаббат билан улғувор. Аёл бир қўли билан бешикни тебратса бир қўли билан дунёни тебратсади. Аёл борки хонадонларда тинчлик, осойишталик, саранжом-саришталик, юртда файзу-барака ҳукмрон бўлмай. Юрт бошига оғир кун тушганда кўксини қалқон қилган. Уз фарзандларини ўлимдан қўтқариш учун жонини ҳам аямаган аёллар ҳақида кўп ўқиганмиз.

Ўз халқини қўл қилишларини, Ватанини оёқости қилишларини хоҳламаган массагетлар маликаси Тўмарис, ўзининг дономаслахатлари билан юрт бошқаришда эркаклардан қолишмаган Бибихоним ўзининг бетакрор шеърлари билан маънавиятимизнинг бойишига ҳисса қўшган ва душман олдида ўлимга ҳам тик боққан. Нодирабегим Олой маликаси номи билан тарихда ўчмас из қолдирган Қурбонжон Додхоҳ жасоратларини қай бирини айтишди. Ҳар қандай оғир дамларда ҳам аёлларимиз ўзларида куч ва қудрат топа олганлар.

Ҳар қандай жамият, дин, замон ҳамда макон бегона эркак ва аёлнинг ўзаро, кишилардан пинҳона-хуфёна алоқаларига қаттиқ қаршилик қилади ва бундай жирканч муносабатни аёвсиз қоралайди. Бундай нопоклик жамики динлар, халқлар, тузумлар, фалсафаларда ор-номуссизлик, уят, ифлослик ва разолат ҳисобланган. Чунки инсоннинг соф қалби ўз-ўзидан бу қабиҳ ишни табиатан қоралайди, ёқтирмайди. Инсоният зинони разолатнинг каттаси деб ҳисоблайди. Бу фикрга инсонийлик доирасидан чиққан, ҳавою нафсини ақлидан устун кўядиганларгина қарши чиқади. Жумладан зиноқорларнинг қилмишларини оқлайдиганлар ва ундайларнинг

ҳавою-ҳайвоний ҳирсга асирлигини тирикчиликка йўйиб оқлайдиганлар ҳам одамийлик фазилатларидан айро кимсалардир!

Абиссинияда энгил оёқ аёллар (фоҳишалар) саройларда нуфузли поғоналарни эгаллашган. Вақти келса улар ҳокимият ва давлат бошқарувини ҳам қўлга киритганлар. Ҳудди шундай ҳолат ҳозир Андижонда ҳам кузатиляпти.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларини 50 фоизи маънавий нопок кимсалар. Буларни ичида асосий фоизни аёллар ташкил қилади. Яна бир бу маънавий бузуқ аёлларни ёмон ҳислатларидан бири уларни жиноятни билиб туриб қилишига мойиллиги. Бундан фойдаланган орган ҳодимлари уларни айрим муаммоларни ечишда «торпедо» ҳисобида олға деб қўйиб юборади. Улар органга ёқмаган мансабдор шахсларни шантаж қилишда, ҳуқуқ ҳимоячиларни калтаклашда пешқадам.

Уларни яна эл орасида уялмай нетмай кўрсатадиган жирканч ҳислатларидан бири чекиш, ичкиликка ружу қўйиш, очкўзлик.

Улар бу ҳислатларни ҳеч нарсдан тап тортмай намойишқорона кўз-кўз қилишади. Булар айниқса кўп қаватли уйларга шу маънавий бузуқ маҳалла раислари орқали, ширкат раислари орқали ижарага квартира топиб ўша ерда фаолиятини бошлаб милиция ҳодимларидан тортиб маҳалла раисларини ҳам улгуржи боқшига киришишади.

Бу кўп қаватли уй бошқарувчиларини ҳам 90 фоизи қўшмачилик билан шуғулланишади. Ҳозирги ҳокимиятга ақлан етук расо илмни кишилар керак эмас, айниқса шунақа илмсиз «ҳа» деганда оёғини тагигача ялайдиган хизматкор, кўча супуриш, ахлат тозалаш бўйича юқори малакага эга бўлган шахслар керак. Ҳозир бечора зиёлилар ҳам кўча супуришдан нарига ўтишмаяпти.

Бу фаолият юрғизаётган қўшмачи фоҳишалар ҳақиқий туғма фоҳишалар ҳисобланади. Чунки улар шундай ота-онадан дунёга келган, уларни болалигидан шу ишга мойиллик сезилади.

Бу фоҳишалар оналик туйғусига эга эмаслар, ўзлари ҳам ота-онаси олдида фарзандлик бурчини бажаришмайди.

Булар ҳаё, ибодат уят деган иборалар нима эканлигини билишмайди. Булар эркаклар билан бирга бўлишда ҳам ҳиссиёт учун эмас, пул учун танасини бағишлайдилар. Улар танани сотиш орқали келаётган пулга ўрганиб қолишган. Уларни энг патогномонистик, яъни махсус фоҳишалик белгиси бу уятни йўқлигидадир. Буларни орасида жиноятчилик жуда ҳам кўп.

Энди биз орттирилган яъни қўққисдан фоҳишалик йўлига кириб қолган фоҳишалар ҳақида сўз юритамиз. Ҳоши боқира ҳаёт кечираётган қиз-жувонлар ҳаётни синовларига дош бера олмай ногаҳонда шундай қабиҳ йўлга кириб қолишади. Бунга сабаб қашшоқлик, туғишганларини йўқотиш ёки ота-она уйдан ҳайдалиш, ота-она эътиборидан четда қолиш, яқин ёрдамга муҳтож, ёки касал туғишганларига пул топиб ёрдам бериш, ота-онасиз қолганда ўзидан кичик укаларини боқиб, узокроқ шаҳарга бориб пул ишлаш истагида алданиб қолиш, ёш турмушга чиқиб турмуш ўртоғини хиёнатини кечира олмаслик, болалар уйдан қочиш, у ерда камситилиш ва ҳоказо.

Бу фоҳишалар туғма фоҳишаларга нисбатан уятчанлик ҳиссиёти уларни тарк этмаган, улар ўзлари қилиб юрган ишига баҳо бериб виждони олдида қийналишади, бундан ташқари туғма фоҳишалардан фарқли ўлароқ булар ўзларини бундай нопок ишларини яшириб қилишади, эл олдида ўзларини яхши томонлама кўрсатишга ҳаракат қилишади, кейин яна бу туғма фоҳишалардан фарқли ўлароқ уларни яшаш тарзи моддий томонлама яхшиланса улар дарҳол бундай нопок йўлдан қайтишади.

Бу фоҳишабозликни кўпайиши аҳоли тинчлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. СПИД бўйича Андижон Ўзбекистонда биринчи ўринда. Бу фоҳишаларни касал эмас ёки касал бўлиб шифохонада ётмайди деб ким кафолат беради. Шифохонада улардан албатта СПИД касаллиги бошқаларга ҳам юқиши муқаррар. Чунки ҳозир барча шифохоналарда стерилизация тўлақонли қилинмайди. Медицина ҳодимлари лоқайд, ҳаммасини дарди пул.

Хотин қизлар қўмитаси раислари ўз навбатида шаҳар ҳокимлари муовинлари бу орттирилган фоҳишаларни тўғри йўлга солиш билан астойдил шуғулланишлари лозим. Чунки буларда ҳали тўғри йўлга ўтиш учун имкон бор, уларни мияси тўла заҳарланмаган, агар уларни шу йўлдан ҳокимият кайтармаса ана унда улардан туғма фоҳишалар туғилади. Ўзбекистонни келажаги туғма фоҳишалар билан илмсиз кишиларга қолиб кетаяпти.

Гулбаҳор Тўраева

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов